Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
3 сон
17 — 23 январ, 2008 йил

# ҚУВАЛИК "МИЧУРИН"

*Яхшилардан сўз очдик*



Ўтган йил куз охирларида Марғилонга борадиган бўлдик. Уйлаб кўрсак, довон ошиб етиб боргунимизча, қоронғу тушиб қолар экан. Тунни Қувада ўтказиб, эрталабда Марғилонга кириб бориш бизга маъқул кўринди. Танишимиз бизни уйлари совуқ бўлгани учун (қиш мавсумида уйида газ босими пасайиб кетган экан) Қува марказидаги қайнотасиникида кутиб оладиган бўлишибди. Хуллас, айтилган жойга кириб борганимизда соат тунги 12 бўлиб қолган эди. Дастурхон ёзиб бизни кутиб ўтиришган экан.

Биринчи бораётган жойимиз—Тошкентдан ул-бул, бозорнинг энг олди сархил меваларидан, довондан эса бир-икки хил патир нонлардан харид қилиб олгандик. Дастурхон атрофига ўтиргач, ўзимиз билан олиб борган бозорнинг энг олди мевалари кўзимга оддийгина кўриниб кетди. Чунки мезбон дастурхонга қўйган мевалар олдида улар жуда ғариб эди. Суҳбат асносида, бу ажойиб, кўрган кўзни яшнатадиган, мазали, сувли ва сархил мевалар шу хонадоннинг ўзида етиштирилганини эшитгач, ҳайратимиз янада ошди.

Меваларнинг сархиллигидан ҳайратимиз ошганини кўриб, танишимиз: "Бу ерларда қайнотамни ҳамма "Мичурин" дейишади. Нафақада бўлсалар-да, боғ яратишдан чарчамайдилар, -деб изоҳ бердилар. - Ҳали эрталаб кўрасизлар, кичкинагина томорқаларида нок, хурмо, беҳи, шафтоли, гилос, ўрик, анор, анжир, олма, узум, қўйингки, йўқ меванинг ўзи йўқ. Ҳеч йўғи ўзлари учун бир-икки туп экиб қўйилган. Тўй-маъракалар ўтказсак, бозордан мева сотиб олмаймиз. Тошкентда ҳам қариндошларимиз бор. Бирон йиғин қилишса, бир-икки яшик мева олиб борамиз. Шу билан дастурхонга файз кириб турибди-да. Менинг ҳовлимдаги мевали дарахтларни ҳам ўз қўллари билан ўтказиб, пайвандлаб ҳам берганлар"...

Эрталабга тайёрланган маставани қатиқлаб ичиб, мева-чевалардан танаввул қилгач, бир оз муддат ҳовли айланадиган бўлдик. Томорқа унчалик ҳам катта эмаслигини кўриб, шу жойдан оила эҳтиёжидан оширib ҳосил етиштираётган хонадон соҳибига ҳурматим ошди. Ахир кенг томорқасини чўлга айлантириб, икки туп мевали дарахт экиб қўйишга ярамайдиганлар қанча.

Ушбу хонадондан илиқ taассурот билан Марғилонга йўл олдик. Марғилон сафаридан Тошкентга қайтгач ҳам бу ажойиб хонадон соҳиби ҳақида, унинг оиласи тўғрисида ёзиш фикри менга тинчлик бермай қўйди.

Бир йил ўтгач, яна шу хонадонга йўлимиз тушди. Яна ўша самимият, ўша илиқлик, ўша меҳр-оқибат. Бу сафар улар тўғрисида имкон қадар кўпроқ нарсаларни билиб олишга ҳаракат қилдим.

Хонадон соҳиби Фозилжон Шарафутдинов 1940 йилда туғилган. Гарчи Фарғона педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини битирган бўлса-да, ўша пайтларда мактабда иш танқислиги сабабли, дастлаб туман газ таъминоти идорасида ҳайдовчилик қилибди, кейин савдо соҳасида ишлабди. Лекин, умрининг асосий қисми мевачева сабзавот тайёрлов базасида кечибди ва шу ердан нафақага чиқибди.

Фозилжон отани Қувада танимаган одам йўқ ҳисоби. Қува марказидаги уйлари бузилиб, "Тинчлик" маҳалласига кўчиб ўтганларига, 33-34 йилга бориб қолибди. Салкам ўттиз йил теварак-атрофлардаги савхозлар ва хонадонлардан мева ва сабзавотларни қабул қилиб олиб, Россиянинг энг совуқ ўлкаларигача жўнатиб туриш билан шуғулланган. Ўша йилларнинг қувончлари ҳам, ғаму ташвишлари ҳам кўп бўлди. Отанинг пешонасидаги чизиқлар балки шуларни ўзида акс эттириб тургандир.

Фозилжон ота боғдорчиликка ўзгача меҳр қўйган. Ҳар бир мевали дарахтни ўз фарзандидай авайлаб-асрайди. У пайванд қилган дарахтлар бехато ривож олиб, хаш-паш дегунча мевага киради.

Рафиқаси Холисхон ая билан бир ёстиққа бош қўйишиб, турмушнинг иссиқ-совуғини биргаликда тортиб келишаётганларига 42 йил бўлибди. Холисхон Шарафутдинова Фарғона педагогика институтини бошланғич таълим йўналиши бўйича битириб, Қува туманидаги 84-махсус мактаб -интернатда 35 йил ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётибди. Улар биргаликда 5 нафар-3 қиз ва 2 ўғил фарзанд ўстиришди. Ҳозирда ҳаммалари ўзларидан тиниб-тинчиб кетишган.

- Қизлардан ҳам, ўғиллардан ҳам кўпдан-кўп розимиз. Умрларидан барака топишсин, - дея алқаб дуо қилади Фозилжон ота. -Ҳозирда набираларимиз 14 нафарга етди. Байрамларда, тўйларда ҳаммалари йиғилиб келишса борми, уйимизда шодиёна бўлиб кетади. Келинларимиз ўз қизларимиздай бўлиб кетишган. Куёвларимиз ҳам бир-бирларидан яхши, бир-биридан аъло.

Шарафутдиновлар хонадонини фахр билан ўқитувчилар хонадони ҳам деб айтишади. Оналари изидан борган уч нафар қизларининг барчалари ўқитувчи. Дилоромхон ва Дилфузахонлар Улуғбек номидаги Фарғона педагогика университетини битириб, рус тили ва адабиёти фанидан дарс бераётган бўлсалар, Гулнорахон 17-сонли мактабда бошланғич синфларга дарс беради. Катта келинлари Рўзахонни ўзлари ҳозирги Фарғона педагогика университетида ўқитишди. Қайнонаси ишлаган махсус мактаб-интернатда болаларга бошланғич таълимдан сабоқ беради. Ҳозир учунчи қизини туғиб, оналик таътилида ўтирибди. Иккинчи келинлари Нигорахон эса ҳамшира. Туман касалхонасида ишлайди.

- Оиланинг даромади ёмон эмас шекилли, -сўрайман ҳовлидаги "Москвич" ва "Жигули" маркали машиналарга ишора қилиб.

- Оиламизнинг топиш-тутиши ҳавас қилгудек. Катта ўғлимиз тендерда ютиб чиқиб, ер эгаси-мулкдор ҳам бўлиб олдик. Бу йил 30 гектар ерга пахта эккан эдик. 100 тоннадан ортиқ ҳосил олдик. Топшириқни ортиғи билан бажарибгина қолмай, ҳосилнинг ҳаммасини юқори навга топширишга эришдик, -дейди хурсанд бўлиб Фозилжон ота. -Йил бошида 3 йил муддатга банкдан қарз олиб, унга "ТТЗ-80" тракторини аравачаси билан сотиб олган эдик. Шу трактор бизга жуда асқотди. Худо хоҳласа, уч йилга чўзмай, қаразимиздан шу йилнинг ўзида қутилиб кетамиз.

Яна анчагина жойга 1500 туп шафтоли, 200 туп гилос ва 50 туп ўрик кўчатлари экдик. Яқинда уларни пайванд қилдик. Янги боғ кучга киргунга қадар кўчат ораларига озуқабоп ва бошқа резавор экинларни экиб, тирикчиликни ўтказиб турибмиз. 3-4 йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Келгуси йиллардан боғларимиз қувват олиб ҳосилга кириши билан даромадимиз янада ортади. Ҳозирча кўчат ниҳолларини бозорга чиқармоқчимиз. Оиламиз билан ҳалол меҳнат қилиб, ўйлаган орзу-ҳавасларимизга аста-секин етишмоқдамиз. Ҳа, айтганча, енгил машиналарга келсак, уларнинг иккаласи ҳам мукофотга берилган, -дейди Фозилжон ота ва қизиқишим янада ошганини фаҳмлаб, тушунтиришга ҳаракат қилади. - "Москвич"ни 1978 йилда менга мукофотга беришган. Орадан 5-6 йил ўтиб, холангизга узоқ йиллик самарали меҳнатларини инобатга олиб, ўқитувчилар кунида туманимиз ҳокими шахсан ўзлари "Жигули" машинасининг калитини қўлларига тутқазганлар. "Меҳнат қилган қадр топади", -деб шунга айтсалар керак-да...

**Равшан ИСОҚОВ,**
**журналист,**
**Тошкент-Қува-Тошкент.**



# БАРНО БУВИНИНГ БОҒЛАРИ

- ✔ 107 ёшида Президент назарига тушиб, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган Барно буви.
- ✔ Пахтакорнинг малика момоси.
- ✔ Табаррук онахоннинг 185 кишилик боғи бор.
- ✔ Ҳозир ҳам онахон кўзойнаксиз кўрпа қавийди, бемалол игнадан ипни ўтказади.

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг пешқадам юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида Фармонлари чиққач, дарҳол Бухоро, Ғиждувондан ким бор экан, деб газетадаги рўйхатни қараб чиқамиз. Бу йил рўйхатни кўздан кечираётиб, юз ёшдан ошган Ғиждувоннинг Пахтакор қишлоғида яшовчи Барно Темирова ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирланганини кўриб, суҳбатлашишга ошиқдим. Инсон қадрини юксакка кўтарган, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйган Мустақиллигимизга, ҳур замонамизга шукроналар айтдим.

Барно буви Районободда ўзига хос сулола яратган Темировлар оиласига мансуб. Онахон амалдор ҳам, маълумотли мутахассис ҳам эмас. Лекин кўплаб мутахассислар, фидоий, ўз касбининг усталарини тарбиялаган. Оддийгина қишлоқ аёли. Барча қишлоқдошлари қатори далада меҳнат қилган, ер чопиб, ғўза парваришлаган, пахта терган, бошгинаси болиш ўрнига эгатларга ботган, ипак қурти боқиб, пилла етиштирган. Умри ерга боғланган, баҳорнинг ҳаётбахш ёмғирларини далада симирган, ҳамалда сочларини оби раҳмат сувларига ювган, саратоннинг жазирамасида пахтазорларда ҳаловат топган.

Ерни азиз билиб кам бўлмаган. Меҳнатидан қозони мойли, ўчоғи ўтинли бўлган. Далада ишлаш билан бирга рўзғор ташвишлари, томорқа юмушлари, етти фарзанд тарбиясини ҳам жойига қўйган ва шунча ишлардан ортиб ип йигириб, гилам тўқиган. Бир қанча аёлларга касб ўргатиб, рўзғорини бутлашга ёрдамлашган. Булар эса озмунча меҳнат, куч талаб қилмайди. Лекин, у қўни-қўшни, қариндош-уруғлаар айтишича, бирор марта зорланмаган. Гоҳ турмуш муштини ейишга тўғри келганда ҳам озорларини сабр билан роҳатга айлантириб, оиласини ором бешиги қила олган. Умр йўлдоши Икром бобо билан жуда аҳил-иноқ яшаган.

-Ҳазил-мутойибага жуда ўч, қувноқ, халқ термалари, лапарларини севиб куйлайдиган, чиройли рақс тушадиган Барно бувига ҳамма ҳавас қилади, -деб ҳикоя қилади қўшниси Рўзигул опа. -Булар уч дугона-Назокат буви, Шоҳсанам буви, Барно бувилар маъракаларда шунақаям рақс тушиб, қўшиқ айтишардики, лол қолардик. Барно бувининг узоқ яшашлари сири ҳам шунда—бағри-кенгу ҳушчақчақлигида деб ўйлайман. Кўнглида кири йўқ, барчани бирдек суяди, бағрига босади. Умр йўлдошлари Икром бобо чўпон—Қизилқумда колхоз чорвасини боқар эдилар. Булар нафақат ўз фарзандлари, балки уруш йиллари қаровчисиз қолган бир неча етим болани ҳам бағирларига олиб, боқиб, катта қилганлар.

Умрини майда-чуйдаларга сарфламай, бир мақсадга-оила бахти, фарзандлари камолига бағишлаган Барно буви астойдил меҳнат қилди, елиб югурди, ҳузур-ҳаловатидан кечди, фароғатини ўйламади ва муродига етди. Бугун 107 ёшни қаршилаганда фарзанди Муроджон ҳисоблаб чиқса, бир юз саксон беш кишилик боғ яратибди. Бу бир боғки, ниҳоллари турли-туман, ҳавас қилса арзийди. Хонадоннинг илк ниҳоли Санам опа бугун саксон ёшли дарахт бўлган: бақувват шохлари ширин-шакар мевалар берган. Мусалламу Фароғатойлар ҳамували-жували. Тўнғич ўғил Султон Икромов қишлоқ фарзандларига география-биологиядан дарс берган моҳир муаллим, айни пайтда қарилик гаштини сураяпти, кенжа ўғил Мурoджон тадбиркор-савдо ходими. Онажон бағрида яшайди.

Бу хонадонга келин бўлиб тушган, куёв бўлганлар ўша заҳоти бу оила фарзандига айланади. Фарзандларнинг ҳам ўзлари яратган боғ-тинч-тотув оиласи бор. Барно биби жуда сахий инсон. Сахий қўл дард кўрмайди деганларида ҳикмат борлиги ростки, онахон 107 ёшни қаршилаганига қарамай тетик, бардам.

Одам ўзининг маънавий қувватини оиласидан олиши ҳам ҳақиқатки, аҳил-иноқ оилага келин бўлиб тушди у. Тўрт оға-ини оиласи билан олтмишинчи йилларгача бир ҳовлида яшашди. Тўрт биродар топган-тутганини каттакон рўзғор ғорига ташийверди. Эгачи-сингилдек қадрдон овсинлар пишир-куйдир, кир-чир, томорқа, мол-ҳолга қараш, бола парвариши каби барча юмушларни ҳамжиҳатликда бажариб кетаверишди. Бир қозондан элликка яқин одам овқат ерди. Шунча одамнинг ишу-юмушлари ҳам ўртада. Тўй тадорикларини ҳам бирга қилишар, қат-қат кўрпа-ю кўрпачаларни ҳам биргаликда қавишар, тўй болалару куёвлар тўну-сарполари ҳам бирга тикиларди. Билганларини бир-бирига ўргатиб, билмаганларини ҳам бир-биридан ўрганганлари боис барчаси ўн бармоғи ўн ҳунар, қўли чевар бўлди.

## Аёллар ҳақида ҳикоялар

Онахон ҳозир ҳам тетик, бардам. Шу ёшида ҳам кўзойнак тутмай бемалол кўрпа қавий оладиган Барно бувига чинданам ҳавас қиласиз. Айтишларича, навбатдаги тўйга тайёргарлик пайтида кенжа қиз Улашой ёрдамга келибди. Кўрпа қавиётганда игнадан ип ўтказишга анча қийналибди. Шунда Барно буви игнани "Бу-ёққа бер", дебдилар-да, бир уринишда ипни ўтказиб берибдилар.

Элликка яқин фарзанду невара-эвара-чевaралар тўпланган даврада суҳбат қизигандан қизиди. Бувининг сифатлари: одамохунлиги, саҳоватпешалиги, меҳрибонлиги ҳақида гапиришди. Кимдир: "Пенсиянгиз қанча", - деб сўраб қолди онахондан.

- Дарвоза тақиллатиб, ой сайин келтиришади ишқилиб, бир қисмини газ, свет пулига сақладик, - дейди. Даврада бўлди кулгу, ҳазил-ҳузул...

Инсон дунёнинг қалби, деган эди А.П. Чехов. Барно буви билан учрашиб, суҳбатлашиб, термаларини тинглаб, дойра чалиб, рақс тушишига маҳлиё бўлиб, дунёнинг қалбини тинглагандай бўлдим. Ҳасса тутганча чаққон одимлаётган қадди сал, ҳа, салгина эгилган Барно бувига разм солиб ўйладим: қоматнинг эгилиши қарилик белгиси эмас экан ҳар қалай. Ўроқнинг ҳам қадди букик-меҳнатсеварлигидан...

**Бахшанда БОЛТАЕВА,**
**Ғиждувон.**



# ЯШИЛ РАНГЛАР БЕКАСИ

Ташқарида қор, аёз... Бирор жойга бориш малол келади. Аммо, Ўзбекистон Бадиий Академияси Кўргазмалар зали томон ошиқаётган одамларнинг оқимини кўриб кўнглимга бир қадар илиқлик югуради. Чунки, бугун сафдошимиз, дўстимиз, ажойиб рассом Гулнора Раҳмон ҳамда унинг қизи, ёш рассом Ойзода Жуманиёзова асарлари кўргазмасининг очилиш маросими бўлади.

Зал томошабинга тўла. Гўё, рассомнинг ижодий ишлари қишнинг совуғини кесиб ташлагандай одамлар чеҳрасида баҳорий кайфият...

Тадбирни Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси академик Турсунали Қўзиев очиб берди. Таниқли рассом, академик Баҳодир Жалолов, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, "Туркистон" газетаси бош муҳаррири Салим Ашур, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Собир Ўнар ва бошқалар сўзга чиқишиб она-бола рассомлар ижодининг ўзига хос томонларига алоҳида-алоҳида тўхталдилар. Уларни чин юракдан табриклашди, омадлар тилашди.

Кўргазмани томоша қилар экансиз, чин маънода қишни унутасиз. Зални буткул эгаллаган ўттиздан ортиқ мато-мойбўёқда ишланган полотноларнинг деярли барчасида яшил ранг устивор! Яшил рангнинг устиворлиги кўзларингиз тубига чўка-чўка қалбингизни яшиллантириб юборади, кўклам эпкинлари, ёзнинг ҳарорати билан тўлатиб ташлайди. Сиз беихтиёр расмлардан ўзингиз соғинган, ўзингизгагина тегишли бўлган нималарнидир излай бошлайсиз – улар қаршисида узоқ туриб қоласиз.

Инсон ҳаёти давомида аста-секин, гоҳ билиб, гоҳо билмай ортда қолаётган йиллар билан бирга қалбидаги баъзи туйғуларини-да йўқотиб, узоқлашиб, сочиб, унутиб бораверар экан. Буни қаердадир ўша ¬ таниш, қадрдон туйғуларнинг суратига дуч келганида англаб қолади. Дўстимиз Гулноранинг қалб қўрини бериб чизган расмлари қаршисида турарканси3, ҳудди шундай ҳолатга тушасиз. Ҳар бир расм қаршисида йўқотилган, узоқлашилган, сочилган, унутилган туйғуларни битта-битта топиб қалбингиз қалқиб кетади, бутунлашаётганингизни ҳис қила бошлайсиз.

Рассом "Муҳаббат қушлари" номли полотносида эркак ила аёл ўртасидаги туйғунинг мангу ва муқаддаслигини танланган ранглар, образлар орқали аниқ етказиб беролганки, асарга юзланган қалбда севги гуллайди, барг ёзади.

Гулнора "Ҳумсон" мавзусига қайта-қайта мурожаат қилган. Бу расмларда тоғ, қишлоқ манзаралари ва содда одамларнинг самимий қиёфалари бир-бирини тўлдириб, бир-бирининг давомидай маъно касб этган. Инсон ҳамиша табиат билан бир бутунлигини таъкидлаб тургандай, гўё. Буни баъзан унутиб қўйишимиз рост-ку!

Айниқса рассом Машраб ижодига чуқур ҳурмат билан ижодкорона ёндошган, кенг ўрин берган. Бир полотнода одамларни ортидан эргаштириб кетаётган Машраб тепасида бутун осмонни қоплаган улкан қуш, яна бирида эса одамлар устида улар янглиғ тизилишиб учиб бораётган қушлар, Машраб ва қушларнинг яна бошқача ёнма-ёнлиги, бирлиги... Расмлар номи шундай: "Қушлар", "Машраб ва қушлар" – гўё вужуд ва руҳнинг сирли ҳолатлари...

Ойзоданинг расмлари эса аксинча – тасаввурдаги манзаралар фақатгина оқ-қора ранглар уйғунлигида тасвирланган. Кўргазмага қўйилган ўндан ортиқ графикада яратилган расмларда ёшликка хос шижоат, эҳтирос, учқурлик ва гўзаллик уфуриб туради. Шу сабаблими, гарчи фақат оқ-қорада чизилган бўлса-да, расмларда дунёдаги барча ранглар бўй кўрсатиб тургандай туюлади.

Аёл... ҳар бир аёл, аёллигини сақлаб қолиш учун вақт билан, вазият билан курашади. Ҳар бир аёл рисоладагидек она бўлиши учун бутун ҳаётини бағишлайди. Шу жараёнларда аёл парчаланиб, йўқолиб кетмай худо берган иқтидорини асраб, ўстириб, ўзлигини ҳам юзага чиқара олиши жуда мушкул. Дўстимиз эса барини уддалади. Бари-да муборак бўлсин!

Гулнора Раҳмон – дилбар аёл, ажойиб она, катта рассом!

Гулнора Раҳмон ва Ойзодага камолот йўлида юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

**Насиба РИЗАЕВА**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

Oila va jamiyat | № 3 (846) 17 январ — 23 январ 2008 йил | Оила ва жамият | 3

# ИБРАТ БЕКАТЛАРИ

## ТАВАККАЛ

Деҳқон бозори ноз-неъмат деганингиз билан тўла. Одам ҳам қайнаган. Қараб турсангиз, кечгача бир нарса қоладиган эмас. Қутиси, яшчиги, қопи билан олишяпти. Мен ҳам қизим билан памилдори қаторини айланиб чеккароқдаги яшчиклар олдида тўхтадик.

– Қутиси билан олсангиз тортиб ўтирмайман. Ҳар яшчиги ўттиз уч килодан келади. Агар тортиб оламан десангиз килоси 60 сўмдан, шундайича оламан десангиз, сизга 50–55 атрофида тушади. Ишонмасангиз олинг-да, ана тарозида торттириб келинг. Ҳали биттаси торттирди, кўп ҳам чиқди,– дерди сотувчи астойдил.

– Памилдори кўриниши ёмон эмас. Сизга ишондик, таваккал қилиб олаверамиз, – дедим.

Сумкаларга бўшатдик. Кетаётиб катта тарозида торттириб кўрсак, 27 кило чиқди. Қанчага олганимизни эшитган тарозибон ҳисоблаб чиқди-да, сизга 62 сўмдан тушибди, деди.

– Кўтара берсам сизга 55 дан тушади деган эди-я,– дедим афсусланиб.

– Қайтариб беришингиз мумкин,– деди тарозибон.

– Энди қайтмаймиз, майли. Таваккал қилгандик, зарари йўқ.– дедиму уйга бора боргунча алам қилди: "Шунчалик ҳам бўладими? Бозор дегани ёлғоннинг кони экан-да".

Банкаларни ёпаётиб ҳам кўнглим неча оғриди. "Беш, олти литр зарар кўрдик-а".

Охирги икки литрликни ёпаётганимда банка қўлимдан сирғалиб столдан учиб кетди, чилчил синди. Яхшиям қайноқ масаллиқ ҳеч кимни куйдирмади. Дарров йиғиштириб олдим. Кўзим ярқ очилди.

Мен таваккал қилишни билмадим. Таваккал қилган одам натижага рози бўлиши керак эди. Тарозибон ачиниш билдирганида "майли, шуларни эсон омон ёпиб олайлик, уёғига Худо раззоқ", дейишим керак эди, кечди кўнглимдан. Мана натижа, оқибатда беш литр "зарарим" етти литрга чиқди, битта банка ҳам синди. Аммо шунисига шукр қилдимки, агар қайноқ салат эгнимга тўкилганида, ёки шиша синиқлари қўл-оёғимни кесиб кетганида нима бўларди? Ҳали ҳам худо сақлади. Аллоҳ ўзингга шукр, дея такрорлардим.

– Бошда шуни айтишингиз керак эди,– деди қизим ҳам шиша синиқларини терар экан. – Мана энди бундан буён таваккал қилганда норози бўлмайсиз.

– Айтганинг келсин, Аллоҳим бизни рози бўлгувчилардан қилсин

## БЕКАТДАН БЕКАТГАЧА

Метро вагонига киришим билан бир келишган, замонавий кийинган қиз ўрнидан туриб жой кўрсатди. Миннатдорчилик билдириб жойлашиб олдим. Қизнинг қадди-қомати ҳам келишган, кийимлари ҳам ўзига жуда ярашган, бир қараган кишининг кўнглидан "чиройли экан", деган сўз ўтмай қолмасди. Мен унга ҳавас қилиб бир қараб қўйдим. "Бахтли бўлсин, ҳам чиройли, ҳам одобли қиз экан, албатта илмли ҳам" кечди кўнглимдан. Шу пайт ёнгинамда тўртта бола бирбирини туртишиб шивирлашиб ётишгани диққатимни тортди. Биттасининг қўлида фотоаппарат, чамаси қизнинг чеҳрасини сувратга олиш учун ҳаракат қилиб ётибди. Қиз буни сездими, сал нарироқ чекиниб, юзини бошқа томонга буриб болаларга эътибор бермай тураверди. Ўн саккиз, йигирма ёшлардаги бу талаба ёки қандайдир эркатой, шўх йигитлар эса қиз хусусида имоишоралар қилишар, бир-бирларини итаришар, бўлсанг-чи деган овозлари, ва қаттиқ кулганлари эшитилиб турарди. Орада кўринишдан бошқаларидан ботирроқ ва ўктамроқ биттаси атрофдагилардан андиша ҳам қилмасдан қўлидаги апаратни қизга тўғриламоқчи бўларди. У мендан четроқда бўлгани учун ёнимдаги йигитчанинг печидан тортдим.

– Ўғлим, шу оғайнингизни менга қаратиб юборинг.

Ўктам йигит "хизмат холажон", деганича эгилди.

– Баракалла ўғлим. Сезишимча сиз шу қиз билан танишишни хоҳлаяпсизми?

– Сувратини олмоқчи эдим,– кулди йигит жуда бир савобли ишни бажараётгандай мамнун кайфиятда.

– Менга қаранг, ўғлонлар, тўрттовлон бир варакайига навдадек қизга ҳамла қилиб ётибсизлар. Тўғри маънода ҳам, тескари маънода ҳам шу мардликданми? Ахир сизлар ўғил болаларсиз, болаликдан аллақачон ўтиб бўлган йигитларсиз-ку.

–Биз ёмон иш қилаётганимиз йўқ,– деди сувраткаш ҳамон фикрида қатъий.

– Хўп, дейлик. Сиз тўғри иш қиляпсиз деб ҳисоблайлик. Аммо шу қизнинг ўрнида сизнинг синглингиз ё қариндошингиз бўлса-ю, сизга ўхшаган тўртта йигит гап отиб турса сиз нима қилган бўлардингиз?

– Кечиринг, холажон. Бошқа такрорланмайди,– деди жўралардан бири гуноҳкорона. Сувраткаши эса "менинг синглим йўқ, оилада битта ўзимман!"– дея қийшанглаганича ўзини четга олди.

– Эркаклар ожизларга, қизларга, аёлларга ҳимоячи, суянч бўлиши керак, деб сизга айтишмаганми? Шўх бўлганларинг яхши, аммо шўхлик билан одобсизлик орасида фарқ бор, болажонлар. Алпомишдек йигитларсизлар-а, илоҳим бахтли бўлинглар.

Поезд тўхташи билан болалар ўзларини эшикка уришди. Улардан иккитаси кетаётиб ҳам қўлини кўксига қўйганича хижолатпазлигини изҳор қилган бўлди. Фитратида орияти бор экан, албатта яхши инсон бўлади, кечди кўнглимдан.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# МАРЖОН ИЧРА ГАВҲАРЛАР...

Ҳар бир оиланинг, шунингдек, жамиятнинг мақсади битта - комил инсонни тарбиялаш. Комилликнинг асосий белгиларидан бири - ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятга эга бўлишдир. Шу мавзуда фикр айланса, кўпинча, Конституцияда ёзилган моддаларни ўрганиш тарзида қабул қиладилар. Ва буни мактабнинг, умуман, ўқув масканларининг иши, деб изоҳлайдилар. Албатта, давлатимиз қомуси - барча ҳуқуқий билимлар асоси. Аммо уни қуруқ ёдлаб олган билан киши ҳуқуқий саводхон бўлиб қолмайди. Ҳуқуқий маданият боғчада, оилада, йўлда, бозорда, дўконда - ҳамма жойда, ҳар доим шаклланиши мумкин. Яна бир нарсани англаш зарурки, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонликни инсон камолоти учун зарур бўлган бошқа маънавий фазилатлардан ажратиб олиб бўлмайди.



Айтганларимни ҳаётий мисоллар билан далиллашга ҳаракат қиламан.

Бир оила билан коллеж муаллимаси орасида келишмовчилик чиқди. Устоз коллеж талабасини ўқув юртидан ташқаридаги йиғинда кўриб, танбеҳ беради:

- Жамоат жойида ҳам шундай кийинасизми? Қиз бола нозик аъзоларини кўздан панада тутиши зарур.

Қиз ўзини тенгдошлари орасида ҳақоратланган ҳис қилади. "Мен дарсда эмасман-ку, қандай кийиниш ўз ихтиёримда", дейди. Ота-она ҳам: "Биз рухсат бергач, ўқитувчининг иши нима? У ўз дарсида хўжайин", - дейди. Жуда оддий ечим топиш мумкиндай кўринган бу можаро замирида одамни ўйлантирадиган кўп жиҳатлар бор.

Бир тарафдан қараганда, талаба, унинг ота-онаси ҳақ. Қандай кийиниш - шахснинг ўз эрки. Аммо ўша талабанинг тиббий саводхонлиги етарли бўлганда, яъни қиз боланинг нозик аъзолари шамоллашга мойил бўлишини билганда, агар шамолласа, келажакда бекалиги, оналигига хатар борлигини билганда, эҳтимол, кийиниш ҳақидаги фикри ўзгарар эди. Ёки у миллий қадриятларни теран англаганда, ҳар бир миллат ўзига ўхшаб тургандагина гўзал кўринишини билса, фикридан қайтарди. "Қандай хоҳласам, шундай кийинаман", деб оёқ тираб туриб олмасди. Мисолдан кўриниб турибдики, ҳақиқий маданият тиббий саводхонлик, миллий қадриятларни ҳис этиш билан шаклланар экан. "Мен ҳақман!" дейиш ҳуқуқий билим мезони бўлавермас экан. Ёки бошқа бир мисол.

Сўз эркинлиги ҳар бир шахснинг ҳақи. Мен яқинда хизматим тақозоси билан бир йиғинда иштирок этдим. Бир фан номзоди минбарга чиқиб, бугунги ёшларнинг беписанд, бетгачопар бўлиб кетаётганлиги, унинг дарсида кўпчилиги лекцияга умуман қулоқ солмаслиги ва ҳоказо нуқсонлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Йиғилганлар қанча бетоқат бўлишса ҳам фикрини қайта-қайта такрорлайверди. Ўтирганлар:

- Агар дарсини ҳам шунақа зерикарли ўтадиган бўлса, албатта талабалар қулоқ солмайди-да, - деб шивирлашди.

Ёшларнинг феъл-атворига муносабат билдириш домланинг ҳақ-ҳуқуқи. Аммо у ўз фанини жуда яхши билганида, яъни ўз соҳасининг яхши олими бўлганида "Сўз эркинлиги"ни суистеъмол қилмаган бўларди. Интеллектуал билими чуқур бўлганда талабаларнинг тилини топган бўларди. Дарсга қулоқ солмаслик муаммоси келиб чиқмасди. Давра ахийри чапак чалиб домлани минбардан туширди. Бир қараганда бу сўз эркига дахл қилишдай туюлади, аммо "сўз эрки" даъвосидан олдин кўпчилик олдида нимани ва қандай айтишни билиш керак. Бу ички маданият билан, инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаши билан юзага чиқадиган ҳодиса.

Шундай экан: "Эртадан бошлаб мана шу синф ўқувчилари ҳуқуқий саводхон бўлди, чунки улар конституция бўйича курсни тугатди", деб бўлмас экан. Ўқиб, ўрганиб, фикран таҳлил қилиб, хулосалар чиқарибгина одам ҳуқуқий саводхонликка эришиши мумкин экан. Ҳаётдаги жуда кўп воқеа, ҳодисалар бизга шундай хулоса беради.

Бундай ҳодисалар фақат талаба билан устозлар орасида эмас, бир оиланинг ўзида ҳам, ҳатто, қайнона-келинлар орасида ҳам юз бериши мумкин. Келинчак жавонидаги биллур идишни дугонасининг туғилган кунига ҳадя қилиб юборибди. Қайнона: "Бу - синглимнинг юзочар куни қилган совғаси эди, нега берухсат бериб юборади?"- деб шовқин қилади. Келинчак: "Бу қонунан меники, хоҳласам совға қиламан, хоҳласам, синдираман", - дейди.

Турли миллатларда қонун китобига кирмаган, аммо қонундай шаклланган одатлар кўп. Келинчакнинг қайнонадан изн сўраши... "Мен идиш деб ўлиб турганим йўқ, фақат нега у менинг синглимнинг ҳадясини бериб юборади, бу менга ҳурматсизлик эмасми?" - дейди қайнона. Қонуний жиҳатдан келинчак - ҳақ. Аммо у оилаларимизда ҳукмронлик қилиб келаётган кўп йиллик анъаналарни яхши билганида, ўз ҳақиқатини бошқачароқ тарзда намоён қилган бўларди.

Демоқчимизки, ҳуқуқий саводхонлик қонун моддалари билан чегараланган алоҳида бир билим эмас. У инсоний билимлар орқали, кенг дунёқараш, маънавий етуклик орқали яхлит намоён бўлади.

**Наргиза ҲАМРОЕВА,**
**Қарши педагогика коллежи ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.**

# ДЎСТ БЎЛСАНГ... МЕНГА ИШОН

- Анчадан бери мени қийнаб юрган изтироб тўғрисида гаплашмоқчи эдим, - дея ийманиброқ сўз бошлади ўзини Аслиддин деб таништирган йигит.

**- Қўнғироқ қилишга жазм қилибсизми, демак чиндан ҳам изтиробдасиз... Тортинмай гапираверинг.**

- Собир билан болалигимиздан қадрдон дўст эдик, - дея дил изҳорини бошлади у. – Бир қишлокда катта бўлдик, битта мактабда ўқидик, бирга қўй боқдик... Хуллас, битта нонни иккига бўлиб еб, ўсиб улғайдик. Мактабни битириб бирорта касбнинг бошини тутиш пайти келди. Тўғрисини айтсам, Собир иккаламиз ўртача баҳоларга ўқиганмиз, шу сабабли олий ўқув юртларига боришни ҳавас қилмадик. Туман марказидаги технология техникумига ўқишга кирдик. Бироқ Собир икки-уч ой ўқимасидан ўқишни ташлаб кетди.

**- Нима сабабдан?**

- Билмадим, бир оз эринчоқлик қилди, шекилли. Мен дўстим ўқишни ташламасин деб роса ҳаракат қилдим, тушунтирдим, ялиндим. Барибир айтганини қилиб, қишлоққа кетиб қолди. Мен эса ўқишни давом эттирдим.

Болалигимдан юк машиналарини ҳайдашни орзу қилардим. Ўқишни битириб, бир автокорхонага ишга кирдим. Кўпни кўрган, тажрибали ҳайдовчига шогирд тушдим. Секин-секин ўзим севган касб сирларини ўргана бошладим.

**- Собир-чи? У билан алоқаларинг узилиб кетдими?**

- Йўқ. Собир билан тез-тез кўришиб турардик. У қишлоқда томорқасига улбул экиб, ҳосилини сотиб, ёки қўни-қўшниси етиштирган ҳосилни олиб сотиб юрарди. Кейинчалик менинг ишларим ривожланиб, катта юк машинамиз, "Камаз"га, ундан кейин узоқ рейсларга қатнайдиган "Камаз"га айланди. Топиш-тутишимга барака кирди. Кейин ҳарбий хизмат, сўнг уйланиш пайти ҳам келди. Менинг тўйимдан бир-икки ой ўтиб Собир ҳам уйланди. Хуллас, мустақил ҳаёт бошланди.

Йиллар шу зайлда кеча бошлади. Собир билан қадрдонлигимиз, гарчи уйланиб, бола-чақали бўлиб кетсак-да, заррача ўзгармади, қайтага оилавий борди-келдимиз қалинлашди. Ота-онаси мени ўз ўғлидай яхши кўришарди.

Балки бу сўзларимни "йигит киши бўлиб, миннат қилаяпти", деб ўйлашингиз мумкин. Лекин мен ўзимни қайсидир маънода оқлаш учун ҳаммасини батафсил айтишим керак...

Шундай вақтлар бўлганки, Собирга эгнимдаги пальтомгача, тўнимгача ечиб берганман. Узоқ жойларга рейсга кетганимда оиламга қандай совға-салом олиб келсам, унинг оиласини ҳам эсдан чиқармасдим. Ўғлига тўй қилганда ярмидан кўп харажатни ўзим кўтардим. Собир учун жонимни беришга тайёр эдим. Чунки эвазига ҳеч нарса талаб қилинмайдиган меҳримни берган эдим.

**- Собир ҳам сизга шундай муносабатда эдими? Балки у ишларингиз ривожланиб кетаётганидан сизга ғайирлиги келгандир?**

- Билмадим, мен унинг менга ғаразли муносабатда бўлганини сезмасдим. Лекин бошқа дўстларимиз кўпинча: "Э, шунақанги бетайин билан ошначилик қилиб юрибсан-а. Сенинг тенгинг эмас у. Қўй, ўшани..." деб мени айнитмоқчи бўлишарди.

**- Бундай дейишларига сабаб бордир-да?**

- Ҳа, Собир 2-3 болали бўлганда рўзғорини ташлаб қўйди. Бир ишни бошини тутмай, ҳали қараса Тошкентда, ҳали қараса Тожикистонда бизнес қиламан, деб бетайин одамлар билан юрарди. Унга доим тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қилардим. Лекин менинг гапларим ҳеч кор қилмай қолди. Ота-онаси қари, уй, хўжалик юмушлари хотинининг зиммасига қолган эди.

Шу сабабли уни ўзим билан олиб юрадиган бўлдим. Рўзғорига ёрдам бердим. Бироқ вақт ўтган сайин Собир бутун оғирлигини менга ташлаб оладиган бўлди. Авалгидан баттар эрка бўлиб қолди. Топганини еб-ичадиган, кўпчиликдан қарз бўлиб, менга тўлаттирадиган, менинг мижозларим билан ҳисоб-китобларимга аралашадиган бўлиб қолди. У туфайли бир неча мижозим мен билан алоқани узиб юборди. Охири бир куни қаттиқ тортишиб қолдик. Шундан кейин у мен билан гаплашмай, кетиб қолди. Мен ҳам ўзига келиб, хулоса чиқариб олсин деб индамай юрдим.



Ўша кунларда бир пайтлар бир "Камаз" юк олиб борган мижозимиз анчагина катта қарзини тўлаб қолди. Қишлоққа қайтиб, Собирнинг ҳам улуши борлиги учун пулнинг ярмини олдим-да, пул баҳона гаплашиб кетамиз деб, уникига отландим. Бироқ қишлоқ анҳори бўйида уни 3-4 та бекорчихўжалар билан чўмилиб, маишат қилаётганини кўриб, фикримдан қайтдим. Пул унга тегса, рўзғорига бориб етмасди. Шу сабабли хотинига топширмоқчи бўлдим. Толиб исмли ўртоғимдан пулни бериб юбордим.

Ўша куни кечқурун маҳаллада ўртоқларим билан гаплашиб турган эдим. Бир пайт биз тарафга Собир кела бошлади. Унинг важоҳатидан бир гап бўлганини англадим. Кела солиб ёқамга чанг солиб кетди. "Ҳа, бойвачча! Йўрғалагинг келиб қолдими? Қачондан бери хотинимга кўз олайтирасан? Жазмани экансан-да, уйимдан қадамингни узгинг келмайди?! Кўнглингда нима гап бор? Нимага менинг хотинимга пул олиб бориб берасан, ифлос?". Унинг ҳақоратларини бутун қишлоқ эшитарди назаримда. Мен одамлардан хижолат бўлиб, уни бир силтадим-да: "Ўзингни бос!!! Пул ўзингники! Мен сенга ёмонлик тилайманми, аҳмоқ!" деб бақириб юбордим. У эса шаштидан қайтмасди. Бояги ҳақоратларидан юз чандон ортиғини қалаштириб ташлади. Шунда менинг ҳам сабрим тугади: "Ўв, - дедим энди унинг ёқасидан мен олиб. – Хотининг билан бир дастурхонда овқатланишдан жирканаман-у, хушторлик қиламанми, галварс!!!" Шу гапни айтдиму, орқамга ўгрилиб кета бошладим. Миямда эса «Бекор шундай дедим, бекор шундай дедим, ахир хунук бўлса ҳам унинг хотини-ку..." деган гаплар айлана бошлади.

Эртаси куни уларникига бордим.

**- Кечирим сўрашгами?**

- Ҳа. Фақат Собирдан эмас, унинг ота-онасидан. Отасига бор гапни айтиб, узр сўрадим-да, ўрнимдан туриб кета бошладим. Собир ҳовлида, икки қўлини шимининг чўнтагига солганича, девор томонга қараб турар эди. Отасининг "Собир, болам, кечирим сўра, ўртоғинг кетиб қоляпти. Ахир у ҳам менинг болам. Тўхтат уни, кечирим сўра. Шундай дўстингни билмасанг кўр бўласан..." деганча зорилларди. Собир эса уятданми, нафратданми мен томонга қарамас эди. Индамай чиқиб кетдим...

Билмадим, мен тўғри қилдимми, нотўғрими, нима бўлганда ҳам дўстимдан айрилдим. ҳозир тўй-ҳашамларда кўриб қолсак, ҳамма қатори қўл бериб кўришиб қўямиз, холос.

Бирга кечган беғубор болалигимиз – шўхлигимизни эсласам кўзимга ёш келади, баъзан. Бориб: "Қўй, шу аразни!" дегим келади. Лекин нимадир халақит беради...

***Дўстлик она, ватан, муҳаббат каби азиз неъмат. Чин дўст бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. У беғуборлик, софлик бўлган юракдагина мавжуд. Дўстлик меҳрига ҳақорат, туҳмат жавобини олган Аслиддин яна изтиробда, андуҳда. Демак, унинг юраги нафақат дўстликка, балки яхшилик, эзгуликка ҳам лиммо-лим экан. Ана шундай қалб эгасига Сиз нима дейсиз, азиз юртдош?***

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

---

**Қўнғироқларингиз...**

# ҚИЛМИШИГА ЯРАША...

- Тошкент шаҳридан қўнғироқ қилаяпман. Исмим Гулшан. Юрагим ёниб, ўзимни қўярга жой топа олмаяпман. Ўзим меҳр қўйган одамлардан буни кутмагандим,- дея гап бошлади ҳаяжони сўзларидан сезилиб турган аёл.

**- Нега, нима бўлди ўзи?**

- Очиғини айтсам турмуш ўртоғимнинг онаси йўқ, икки синглиси ва бир укаси бор эди. Улар мактабда ўқишар, она меҳрига зор эдилар. Мен катта келин бўлганлигим учун келинликнинг нозли кунларини тезда йиғиштирдим. Анчадан буён ювилмаган кўрпа-тўшакларни бир сидра ювиб, онамга қавитиб олдим. Қайнсингилларимга келинлик сарпомдаги матолардан бир-иккита кўйлаклар тиктириб қўғирчоқдек қилиб қўйдим. Хуллас, ўзимни унутиб, уларнинг онаси ўрнига она бўлиб хизматини қилдим. Лекин...

**- Шулар туфайли ҳаётингизда муаммо пайдо бўлдими?**

- Аслида ўз муаммоларимни ўзим енгиб келганман. Бир қайним ва иккала қайнсинглим мактабни битиришгач, ўқитдик. Сўнг бирин-кетин уй-жойли қилдик. Кичиги оиласи билан тинчиб кетган бўлса-да, катта қайнсинглим иккита болали бўлганида эридан ажрашиб олди. Куёв уч хонали уйини хотини ва болаларига ташлаб онасиникига чиқиб кетди. Мен нима топсам ярмини ўша қайнсинглимга жўнатардим. Эримга: "Шу синглингизга кўпроқ ёрдам берайлик. Кўнгли ярим-да, яна қийналиб қолмасин",- дердим.

**- Ана шу қайинсинглингиз кайфиятингизни буздими?**

- Ҳа,шундай бўлди. Қайтар дунё, деганлари ростлигига бир воқеа сабаб бўлиб ишондим. Ўнга қилган мурувватларимизни бошқача тушуниб юрган экан...

**- Яъни?..**

- Янги йил арафасида қайнсинглим фолбинга борибди. Ўша фолбин қайнсинглимга: "Сизнинг бир янгангиз бор экан. У сизни сира ҳам кўра олмас экан. Сизга иссиқ-совуқ қилинган нарсаларни олиб келавериб, оилангиз бузилишига сабаб бўлган худди ўша янгангиз бўлади. У билан алоқани узинг, ҳатто ҳуснингизга ҳасад ҳам қилади", - дебди.

**- Қайнсинглингиз фолбиннинг гапларига ишонибдими?**

- Ҳа. Сўнг фолбинга: "Янгамга қарши шундай дуоибад қилиб берингки, оёғи осмондан бўлиб йиқилсин-да, ўрнидан тура олмай қолсин",-дея илтимос қилибди. Фолбинга 50 доллар пулни бериб мени дуойибад қилдирибди.

**- Ўзингизни дуоибад қилишганини сездингизми?**

- Йўқ, мен елиб-югуриб байрамга тайёргарлик кўраётгандим. Қайнсинглимга ҳам битта катта торт пишириб қўйгандим. Бироқ фолбиннинг дуойибади менга эмас, балки қайнсинглимнинг ўзига урибди.

**- Бундай дейишингизга бирор сабаб борми?**

- Бор. Ўша куни фолбинга мени дуоибад қилдириб қайтаётган қайнсинглимнинг ўзи йиқилиб тушибди. Қўли синибди, оёғининг пайи чўзилиб, мияси чайқалибди. Ҳозир уйида ётибди. Яна корига мен яраяпман. Эрталаб акаси, яъни эрим уни кўргани борганида ҳозирги гапларнинг ҳаммасини айтиб, йиғлабди. - "Иложи бўлса келинойим мени кечирсин. Нотўғри иш тутганим учун Оллоҳнинг қаҳрига учрадим...",- деб айтиб юборибди.

**- Эрингиз синглисининг бу ишидан хафами?**

- Ҳа, албатта-да. Чунки ука-сингиллари учун қанчалик елиб-югурганимни билади-да. Эрим келиб анчагача "уҳ" тортиб ўтирди. Сўнг бу гапларни айтиб берди. Ваҳоланки кеча ҳам бориб унинг кирларини ювиб, овқатларини пишириб келгандим. Энди эса башарасига ҳам қарагим келмай қолди. Бормай қўйсаммикан? Лекин шундай қилсам, эрим билан иккимизнинг орамизга совуқчилик тушиб қолмасмикан?

**- Гулшаной! Жигар барибир жигар-да. Синглиси қанчалик гуноҳкор бўлмасин, у билан борди-келди қилмасангиз эрингизнинг кўнгли оғрийди. Табиийки, охир-оқибатда орангизга совуқчилик ҳам тушади. Агар сиз бу гапларни гўёки билмагандек қайнсинглингизнинг уйига бориб юрсангиз, ҳам қайнсинглингиз мулзам бўлади, ҳам эрингизнинг сизга бўлган меҳри янада ошади. Сизга ёмонлик тилагани учун қайнсинглингизни Оллоҳ жазолабди.**

***Азизлар! Бу бизнинг маслаҳатимиз эди. Сиз Гулшанга нима деган бўлардингиз?***

**ГУЛБАШАКАР**

**“Хиёнат ботқоғига ботманг” - 50-сон**

**ЭСЛАТМА: Бекатда бир аёл ва эркакнинг гап-сўзларини эшитиб қолдим. Уларнинг эр-хотин эмасликлари яққол сезилиб турарди. Ахир аёлнинг эри, ёки эркакнинг аёли уларнинг бу хиёнатини билиб қолишса нима бўлади?**

**Муаллиф: М. Мирзашарипов**

# ОР-НОМУС БУЮК ФАЗИЛАТ



**Ушбу** мақолани шунчаки ўқиб бўлмайди. Чуқур мулоҳаза этишга чорлайди. Эркакларни ҳушёрликка чақиради. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда эри бор аёллар ўзга эркаклар билан юриши айрим ҳолларда учраб туради. Бу айни ҳақиқат.

Дарҳақиқат, ўзганинг кўнглига буйруқ бериб бўлмайди. Аммо тарбияласа бўлади-ку! Бунинг учун бир-икки нафар кишининг насиҳати кор қилмайди, кўпчилик панд-насиҳат бериши керак. Биз кўриб турсак ҳам, менинг нима ишим бор, юрса юравермайдими, деган ўйга борамиз.

Мен ҳам бир аёлни биламан. 3 нафар фарзанди бор. Эри топармон-тутармон, рўзғори бут, оилада деярли камчилиги йўқ. Шундай бўлса-да, ўша эрнинг аёли нопок йўлга қадам босган. Ҳамма билади, ишхонасидаги ходимлар ҳам билишади. Фақат эри билмайди. Эрига айтиб беришга ҳеч кимса ботина олмайди. Ўша аёлга: “Бу хиёнат, гуноҳ-ку”, десак парвойи фалак, қулоқ солмайди, ўз билганидан қолмайди.

Бир куни телефон жиринглади. Гўшакни олдим. Эркак киши ўша аёлни чақириб беришимни сўради. Чақирдим. Аслида чақириб бермаслигим керак эди. Хом сут эмган бандамиз-да.

Аёл гўшакни олар экан, юзида табассум балқиди. Эртага эрталаб саҳар туриб, нон ёпишини баҳона қилиб, уйдан чиқишини айтиб, учрашув соатини белгилашди. Мен эса аёлдан сўрадим: “Эрингиз ишда бўлса, бегона эркак билан юришга аҳд қилсангиз, гуноҳ-ку, бу ярамас йўлдан қайтинг, қачонгача хуфёна учрашиб юрасиз?!”

Аёл эса пинагини бузмасдан, ҳатто уялмасдан: “Ишингиз бўлмасин, сиз менга хўжайинмисиз?” - дея терс бурилиб, хонадан чиқиб кетди. Учрашув куни эрталаб ишга келсам, ўша аёл “Ласетти” автомашинада якка ўзи келди. “Ласетти” ҳайдовчиси аёлни ишхона олдига тушириб кетди. Кечаги қўнғироқдан сўнг аёлга эътибор бериб, разм солдим: сочлари ҳўл, калта (назаримда, тезроқ қуриши учун сочини қирққан) бўлса-да, хонага кириб, тароқ тортиб қуритди. Нопок найрангни қарангки, ишга келибоқ, ўз хизмат вазифасини бажармасдан, аллақанча вақт фурсатни бой бериб (бундайлар ишни, вазифасини ўйлайдими?!) қўл учида меҳнат қилди. Уялмайди. Оллоҳ: “Мендан уялмасанг, нима истасанг қилавер”, деб бекорга огоҳ этмаган. Оллоҳдан уялмайдими, демак ота-онасидан, қариндошлари, атрофдаги бошқа одамлардан ҳам уялмайди, демак, жамият олдидаги бурчини унутади. Эр олдидаги бурчини эса қўяверинг. Оила вайрон бўлади.

Кунлардан бир куни ўша аёлга: “Эрингизга айтаман”, - десам: “Эримдан қўрқмайман, биринчидан. Иккинчидан исботлаб берасиз, - дея дағ-дағa қилди. Иннайкейин ўйнашимга айтаман, сизни бир калтаклайди, ҳатто каллангизни олади”, - дейди-я.

Қаранг-а, тўғри йўлга тушиш ўрнига одам ўлдиришни кўзлаяпти. Пўписа ҳам эви билан бўлиши керак-да.

Аёлнинг ўйнаш орттириб, таралла бедод қилиб юришлари, албатта вақтинчалик. Вақти келиб, пушаймон бўлади, аммо кеч, ғишт қолипдан кўчган бўлади. Оила фақат бузуқлик туфайли бузилади. Оилани бузиш иймонсизларга хосдир. Буни аёл англаб онгига, қалбига жо қилиб, бузуқ тушунчалардан йироқ бўлиши керак. Бегона эркак билан зино қилиш, бу азим гуноҳ-ку!

Ҳеч маҳал: “Оллоҳ зинони ҳаром қилган эди, бу гуноҳи учун зинокор тошбўрон қилиниши керак”, демаймиз. Қайтага ишхонада шароит яратиб, кўра-била туриб индамаймиз. Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, астойдил курашса, бундай бевафолик исканжасидан нопок йўлга кирган аёлларни қутқариш мумкин. Агар эр огоҳ бўлса, балки бундай бўлмас... Халқимизда: “Жазманга ишониб, эрсиз қолди”, деган доно нақл бор. Унинг нечоғли ҳақиқат эканлигини зинокор аёл тушуниб етармикан? Охирини ўйламай босган қинғир қадами оиласи, ота-онаси ва фарзандлари қаддини букиб қўйиши кўзига кўринмайдими?!

**Фарҳоджон УМРЗОҚОВ,**
**Фарғона вилояти,**
**Охунбобоев тумани,**
**Қора-арик қишлоғи.**

* * *

**Ушбу** мақолани ўқиб, хиёнаткор аёл ва виждонсиз эркак сир-асрорини билдим. Ўз ор-номусини, ҳаё-иффатини оёқости қилиб юрган бу аёлни аёл дейишга ҳам тил бормайди. У аёл - она эмас, бир фоҳиша. Ҳозирини ўйлаб, эртасини хаёлига ҳам келтирмайдиган бир худбин шахс. Агар бу аёлда виждон, иймон бўлса икки ўғли ва ягона қизининг келажак тақдирини ўйларди. У бир лаҳзалик маишатга берилган ор-номусини йўқотган бир маишатпарастдир. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек бу ҳолни эри билмагани билан қанчадан-қанча кишилар, қўни-қўшниларнинг кўзи тушади, эшитади, бу ҳолат унинг авлод-аждодига, фарзандларига ёмон таъсир қилиши бор.

Энди бу эркакни қарангки, бировнинг хотини эканлигини била туриб, у билан учрашиб туришининг ўзи оғир гуноҳ. Яна топган пулларини шу аёл унинг йўлига сарфлаб келади. Агар аёлнинг эри бўлмаган тақдирда бу ҳолни кечирса бўларди. Ахир унинг эри ёнида-ку. Ўйламайдики, ўзининг қизими, аёлими, келиними шу йўлга кириб кетса, бунда бу шахс ўзини қандай тутарди?.. Ахир, ўғли нега Россияга иш қидириб кетган?.. Пул ишлаб келиш учун эмасми? Ота бўлса фарзандини хориж юртларга жўнатиб, пулни қаёкларга совураяпти? Бундай ҳолат қадимда ҳам, ҳозир ҳам қаттиқ қораланган. Буларнинг қилаётган аҳлоқсизлиги жамиятимиз шаънига доғ туширади-ку!

Ўйлайманки, бу каби ҳолатларни кўрганда кўз юмиш керак эмас! Уларни маҳаллага билдириш керак. Маҳалла улар билан суҳбат ўтказиб кўрсин, бу ёрдам бермаса, уларни очиқчасига ошкора муҳокама қилиб, эл олдида шармисор қилмоқ лозим. Акс ҳолда улар янаям чуқурроқ илдиз отиб жамиятимиз ҳуснига доғ туширадилар. Тўғри, уларни хиёнат устида ҳеч ким тутмаган. Русларда: “Не пойманний не вор”, деган мақол бор. Худди шундай, бу ерда ҳам кўплар билади-ю, аммо ҳеч кимга айта олмайди, айтса балога қолади. Ҳаётда ҳар бир ножўя ҳаракатнинг бир пушаймони бор. Инсоннинг бошига нималар тушмайди. Оғир бетоб бўлсангиз аёлга аввало қонуний эри, эркакка хотини парвона бўлади. Ўйнаш эса, яқинига ҳам бормайди, буни ҳамма билади.

Ҳар бир инсон қирқ ёшдан ўтгач, албатта невaралар тақдири билан қизиқиши керак. Ахир қирқ ёшгача ўғил-қизларни жойлаштириб, бобо-буви бўласиз, бу табиат қонуни. Шу ёшда ҳам ўзингизни ўзингиз босиб олмасангиз карилик чоғингизда пушаймон еганингиз фойдасиз эмасми?

Бу каби ҳолатларни кўрганда ҳар биримиз ҳам кўзимизни юмиб кетавермасдан уларга ўша жойнинг ўзида танбеҳ бериб борсак ҳам оз бўлса-да, фойдали бўлар, деб ўйлайман.

**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа шаҳри.**

Акс-садо

**“Ҳиммат” 50-сон, 2007 йил**

**ЭСЛАТМА: Майда-чуйда қийинчиликлардан ҳадеб нолийвермайлик. Ўтган кунлардан сабоқ чиқариб, бугунимиз қадрига етайлик.**

**Муаллиф: Раъно Раҳмонберди қизи**

# ТУРМУШИМИЗ БАРАКАСИНИ УЧИРМАЙЛИК!

Мақолани ўқиб момом айтиб берган бир воқеа эсимга тушди. Саксондан ошиб тўқсонни кўзлаётган момогинам кўзларида ёш билан ҳикоя қилгандилар:

- 42-йилнинг эрта баҳори. Очарчилик, муҳтожлик ҳамманинг тинкасини қуритган. Топсак 4-5 та туршак, бўлмаса бир-икки қошиқ атала билан нафсимизни алдардик. Тезроқ тутларга маза кирсин, деб дарахт тагига олов ёққан кунларимиз ҳам бўлган. Фалончи кунжара еб шишиб ўлибди, писмадончи очликдан ўзидан кетибди, деган гап-сўзлар қулоғимизга тез-тез чалиниб турарди.

Ўша куни мактабдан қайтаётган эдим. Уйимиз ва мактабимиз орасидаги адирликни кесиб ўтиш нари борса 200-300 қадам келарди. Устим юпун, қаҳратон шамоли аъзойи-баданимни жунжиктирарди. Бунинг устига, кеча ёғиб ўтган кучли жаладан яхшигина билчиллаган лой, кўлмаклар тезроқ юришимга халақит берарди. Аммо, ҳаммасидан ҳам қорним жуда оч эди. Уйга ошиқардим. Иккинчи тепаликдан ошиб тушганимда кўчамизнинг нариги бошида турадиган ўзим тенги подачи Атога кўзим тушди. Ёнида пачоқ бўлиб кетган тунука идиш тўнкарилиб ётибди. Чўккалаб олиб сопи синиб тушган пичоқ билан “гўзанак”нинг (илдиз мевали ёввойи ўсимлик, эрта баҳорда дала-даштда униб чиқади) илдизини ковлаяпти. Ҳар-ҳар замон ковлашдан тўхтаб, кўзларини юмиб, “иҳ-иҳ” деб инграб қўяди. Ниҳоят ковлаб бўлди шекилли ҳалиги илдизни лой-тупроқлигига ҳам қарамасдан оғзига солди ва чайнашга тушди. Оғир-оғир ютунди. Бечора жуда озиб, хароб бўлиб қолибди. Яна менга кўзи тушиб уялиб қолмасин деган андишада йўлимда давом этиб ва Ато ҳақида ўйлаб кетдим.

Яқиндагина Атонинг фронтга кетган отасидан қора хат келганди. Уларнинг ҳаёти жуда қийин эди.

Отаси урушга кетгандан кейин Ато мактабни ҳам ташлади. Кўчамиздаги қўшниларнинг 4-5 та мол-ҳолини пода қилиб боқарди.

Очликдан тинкаси қуриган қўшниларимиз мол-ҳолларини ҳам еб-битиришди. Ато боқадиган поданинг ризқига ҳам путур етди. Унинг оиласи кўз тикиб турган шугина тирикчилик ҳам тўхтаб қолди. Бунинг устига отасининг ўлими...

Шуларни ўйлаб қандай уйга етиб борганимни ҳам билмай қолибман... Одатдагидек кеч тушган. Мен эса мойчироқ ёруғида дарс тайёрлаб ўтирибман. Укам Мўмин кўрпанинг ичида пишиллаб ухлаб ётибди. Отам билан онам эса ундан, бундан гаплашиб ўтирибди. Кўзим китобда-ю, хаёлим Атода. Бечора ҳозир нима қилаётган экан? Муҳтожликдан қийналмаганида мен билан 7-синфда ўқиётган бўлармиди?...

Кимдир отамнинг исмини тутиб кўча эшикдан чақиргандай бўлди. Отам чиқиб кетдилар. Онам хавотирда отамга тикилди. Бир вақт отам, “Ёмон жабр бўлибди-да”, - деб қолдилар. Юракни эзиб юборадиган бир хўрсиниш билан давом этдилар: “Шўрлик Ато Адирдан ейишга гўзанак териб келаман деб кетган экан. Келавермагач онаси ёнига икки боласини олиб Атони излагани чиқибди. Кўктепага энди ҳам чиқишган экан, кўлмакка юзтубан йиқилиб қолган болани кўриб қолишибди. Югуриб бориб кўтаришган экан, ўша бола Ато бўлиб чиқибди. Бечорагинанинг оғзига кўлмакнинг лой-балчиғи тиқилиб қолган экан. Афтидан шўрлик бола мадорсизликдан ҳушидан кетиб кўлмакка юзтубан йиқилган. Оғзига лой кириб бўғилиб ўлиб қолган...”.

Бир куни мактабдан қайтсам Атонинг онаси Унсин хола онам билан йиғлашиб ўтирган экан.

“Боламнинг жувонмарг бўлишига ўзим айбдорман”, - дерди Унсин хола. Атогинам ўша қарғиш теккан куни этагимга ёпишиб, “Жон онажон! Арпамиз бор-ку?! Озгина беринг, тегирмондан чиқариб келаман. Унидан атала қилиб ичамиз”, деб ёлворса, мен бағритош, болагинамнинг раъйини қайтариб: “Кечгача сабр қил болам. Кун ботарда гузарда текин атала тарқатилар экан, укаларинг билан бориб мазза қилиб ичиб келасан...”, -деб унамабман.

Атогинамнинг оғзи тегмаган арпа нони мана маъракасига насиб қилиб ўтирибди, опажон-а, куйиб кетаяпман! Бунга қандай чидайман? Тул қолганим етмагандай, ўз боласининг умрига зомин бўлиш-фарзандкушлик пешонамга ёзилганмиди?!...”.

Момом ҳар гал шу аянчли воқеани тилга олганларида: “Мана болам, бошимиздан қандай оғир замонлар ўтди. Тинч кунингнинг, тўқ қорнингнинг, бут уст-бошингнинг, соғлигингнинг қадрига етгин”, -дея кўзларидаги ёшни енглари билан артиб узоқ вақт жим қолардилар.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳаёт қийинчиликлари олдида довдираб қолиб, ҳадеб нолийвермайлик, турмушимизнинг баракасини учирмайлик! Ота-боболаримиз яшаб ўтган кунларни бот-бот эслаб, бугунимизга шукр қилайлик.

**Малоҳат МЎМИНОВА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**ИНОБАТ опа!**

Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга соғлиқ-омонлик, оилавий бахт тилайман. Аёллик нафосатию, назокати сизни тарк этмасин.

София

**ШАҲНОЗАБОНУ!**

Таваллуд айёминг билан қутлаймиз. Бу йил энг эзгу орзуларинг ижобат бўлсин. Сенга бахтдан тахт тилаймиз. Бу бахт умрингни ва кўнглингни ёритсин.

Қадрдонларинг





**Онажонимиз ЗУМРАД опа!**

Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Фарзандларингиз



**Ҳурматли ОТАЖОНИМ ва мўътабар ОНАЖОНИМ!**

Таваллуд айёмингиз билан оила аъзоларимиз номидан муборакбод этамиз. Дунёдаги барча эзгу тилаклар ҳамроҳингиз бўлсин. Умрингиз узоқ бўлсин.

Фарзандингиз Мурoджон

**Азизларим ОЙСУЛУВ ва ДИЛРАБО!**

Таваллуд кунларингиз билан табриклаб, сизларга узоқ умр, соғлик, оилавий хотиржамлик ва эзгу ишларингда муваффақиятлар тилаймиз.

Нурматовлар оиласи. Тошкент шаҳри.



**Фарзандимиз ХОЖАРОЙ!**

Таваллуд айминг муборак бўлсин. Келажакда етук инсон бўлиб етишгин. Ақлли-хушли, иболи қиз бўлгин.

Ота-онанг

**НАФОСАТХОН!**

Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Ўқиш ва ишларингда муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаётинг қувончли кунларга бой бўлсин.

Яқинларинг.



## «Оила ва жамият» ўгитномаси

Эл-юртим деганнинг ҳурмати баланд,
Камтарлик кишига асло бермас панд.
Қуруқ хаёл билан ушалмас орзу,
Меҳнатга ҳамдамдир иштиёқ, талант.

* * *

Офтобнинг тиғида куя бўлмайди,
Маърифат бўлмаса, зиё бўлмайди.
Одамнинг қадрини пул билан ўлчаб,
Виждонин сотганда ҳаё бўлмайди.

* * *

Ғаразгўй гап билан қилади майиб,
Беморни сира ҳам бўлмайди койиб.
Ичсанг ҳам, берсанг ҳам баҳра оласан,
Меҳрнинг булоғи қолмас камайиб.

Хиёнат изидан бало ёпишар,
Бекорга юрганлар ғийбат топишар.
Меросга талашган оға-инилар,
Бир-бирин кўрганда итдек қопишар.

* * *

Яхши яшамоқни кўнгил тусайди,
Хом хаёл режасин лойдан ясайди.
Чалпак ёғишини кутиб яшаган,
Бири икки бўлмай, доим оқсайди.

**Пардабой ҚУЛАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Жаркўрғон тумани.**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 26.10.2007 йилдаги №10-0715/13501-сонли Хал қилув қарори билан Банкрот деб топилган **“ГЕМЕРА СЕРВИС” МЧЖ**ни СТИР-202821886 тугатилиши юзасидан навбатдаги кредиторлар йиғилиши 2008 йил 31 январда Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси биносининг 2-қават, 15-хонасида, соат 11-30 да бўлиб ўтади. Иш юзасидан ариза, талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади. Ушбу корхонага тегишли бўлган бурчак штампи ва думалоқ муҳр рўзномада эълон чоп этилган кундан бошлаб бекор қилинади.

**Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси, 2-қават, 15-хонаси. Тел: 235-87-26.**

**БОБОЕВ ДИЛШОД КОМИЛОВИЧ**га 2004 йилда ТАТУдан берилган 04 ТР016 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

**НАБИЕВА НАРГИЗА САИТВАХАБОВНАГА**га 2-Тошкент юридик коллежидан 2005 йилда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича берилган **К№277387** рақамли, 6023 рўйхат рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади

**Республика «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компаниясига электрмонтёр ишга таклиф қилинади. Телефонлар: 133-70-70, 136-01-95. Манзил: Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча 2-уй.**

## “Атиргул” танловига марҳамат!

**Азиз ижодкор дугоналар!**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва “Журналист аёллар клуби” ижодкор хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш ва интеллектуал савиясини юксалтириш мақсадида 8 март Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб республика журналист хотин-қизлар ўртасида анъанавий “Атиргул-2008” кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга 2007 йилнинг 15 февралидан 2008 йилнинг 15 февралигача даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган материаллар 2008 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида аниқланиб, уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

Танловга тақдим этиладиган материалларга муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти, телефони, манзили ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Материаллар “Атиргул-2007” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилади:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30 ва 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.**

**Тел: 144-64-62, 144-37-87, факс: 144-69-65 E-mail: ljod@sarkor.uz www.Journalist.uz**

## АБДУРАХМОН хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги “тиқилиш ҳисси”, сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: “Чилонзор” метроси бекатидан “Собир Раҳимов” метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

## МАҚОЛЛАРДА ҲАЁТ ҲИКМАТИ

Дарс бошланди. Аудиторияда тинчлик ҳукмрон. Фақатгина домламизнинг ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири бўлган халқ мақоллари тўғрисидаги маърузаси талабалар томонидан берилиб тингланмоқда. Маъруза мавзуси бўйича берилаётган янги илмий маълумотлар аудитория тингловчиларини ўзига маҳлиё қилиб олган. Маърузадан шу нарса маълум бўлдики: “Мақол арабча “қавлун”дан олинган бўлиб “ҳикматли сўз” тушунчасини англатар экан. Бундан минг йил аввал аждодларимиз мақолларни “сав” - деб аташган. Алишер Навоий ижодида мақол атамаси - “масал” - “Масалдуркким – уйқу ўлимдур” тарзида берилади. Ҳозирда, халқ оғзаки ижодида 13 мингта мақоллар мавжуд бўлиб, М. Қошғарийнинг “Девону-Луғотит-Турк” асарида 300 га яқин мақоллар келтирилган экан.

Мен ҳам ушбу дарсда олган билимларимни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбек халқ мақоллари” китобини олиб бир бошидан ўқиб чиқа бошладим. Шунда эътиборимни қуйидаги мақоллар ўзига тортди: “Оила аҳил бўлса, омад ўз оёғи билан келар”, “Оила қўш устунли айвон”, “Ҳусн тўйда керак, меҳр кунда”, “Она билан бола, гул билан лола”...

Маълумки, ҳар бир инсон ҳаёти бевосита оила билан чамбарчас боғлиқдир. Негаки, оиласи нотинч одамнинг ҳаловати бузилиб ўқиши ва ишида умуман барака бўлмайди. Бу каби нотинч шароитда тарбияланаётган мурғак болалар ҳам ўз тенгқурлари орасида ўзларини таҳқирлангандек ҳис қиладилар. Охир-оқибатда эса бу каби аламзада фарзандлар улғайганларидан кейин ҳам на ота-онага, на жамиятга бирон-бир наф келтирмайдиган манқурт бир шахсга айланадилар.

Шунинг учун оила қураётган ҳар бир ёш келин-куёвларимиз ўткинчи ишқ-ҳавасга эрта берилмасдан, муқаддас даргоҳ саналган оиланинг тинчлиги, тўла-тўкислигига бўлажак ота-оналар бирдек жавобгар эканликларини англаб, дунёга келадиган фарзандларини етук инсон даражасига етказиб тарбиялаш ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилмоқлари даркор. Менинг фикримча, оила қуриш масаласида биз ёшлар ҳеч шошмай, “Етти ўлчаб, бир кес”, - деган мақолга қатъий амал қилсак истак-мақсадимизга вақти–соати билан эришган бўлар эдик.

Шу ўринда ўзбек халқ мақоллари туркумини телевидение, радио орқали кўрсатув ва эшиттиришларда, матбуотда эса алоҳида рукн остида доимий равишда бериб борилса, ёш оилалар ўртасида ҳозирда тез-тез юзага келаётган келишмовчилик ҳамда қўйди-чиқдиларнинг олдини олишга муносиб бир ҳисса қўшилган бўлур эди, деб ҳисоблайман.

**М. ФОЗИЛОВА,**
**Ўзбекистон Миллий Университетининг 2-курс талабаси.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Дўстларингиз билан учрашасиз. Шунингдек, олисдан келган қадрдонингиз билан вақтингизни кўнгилли ўтказасиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Мерос ёки солиққа тегишли кўплаб муаммоларга дуч келасиз. Ҳафта охирига қадар маблағга оид ишларингизни ҳал қилинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Шахсий ишларингиз ечимини топади. Муносабатларингиз мустаҳкамланиб, ҳаётингиз бир маромга тушади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Жуда кўп тер тўкишингизга тўғри келади. Ниҳоят, меҳнатингиз самарасидан мамнун бўласиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Севгилингиз билан учрашасиз. Бироқ, баҳслашишдан сақланинг. Бу орангиздаги риштанинг узилишига сабаб бўлади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ушбу ҳафтада уй-рўзғорингиздаги юмушлар билан банд бўлинг. Оила аъзоларингиз билан дам олинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Кўп одамлар билан учрашасиз. Шунингдек, сафарга ҳам чиқишингиз мумкин. Қўшниларингиз билан баҳслашманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳафта давомида маблағдан қийналмайсиз. Даромадингиз ошиб, янги уй сотиб олишингиз кутилмоқда.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ташқи кўринишингизга аҳамият беринг. Бачкана кийимлар сотиб олмасликка ҳаракат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида дам олинг. Шунингдек, соғлиғингизга ҳам эътибор қаратинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Дўстларингизга касбингизга тегишли бўлган сир-синоатларни айтмаганингиз маъқул. Бу рақобатга олиб келишини унутманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ишда омадингиз келадиган ҳафта. Оилангизда ҳам ўзаро тинчлик-тотувлик сизни тарк этмайди.

# ЖАННАТИМИЗ БЎЛИНГ, ЭРКАКЛАР!

Ёши олтмишдан ошган ҳурматли отахон! Ана, рўпарангизга келиб ўлтирди аёлингиз, яъни бир умрлик ҳамроҳингиз, меҳрибонингиз. Унга бир яхшилаб разм солинг-чи? Кўзларига қаранг-чи! Меҳр билан қаранг... Унинг ҳам сизга ўхшаб ёши бир жойга бориб қолибдими? Юзи-кўзининг порлоқ нури камайибдими? Энди у бир пайтлардаги ёш, қадамидан ўт чақнаган, ҳар қандай хизматингизни зумда муҳайё этадиган даражада эмас! Унинг ёшлиги, шўхлиги, чаққону лочинлиги болаларингизга ўтиб кетди. Ўзингизни қандоқ аясангиз, энди уни ҳам шундоқ эҳтиётланг. Кўз қорачиғидек асраб-авайланг.

У хали сизга кўп керак бўлади. Бир кунда билмадим, неча махал чойингизни янгилайди. Кир-чирингизни тозалаб ювади. Юмшоқ, лаззатли таомингизни тайёрлаб, олдингизга қўяди. Йиртиқ-ямоғингизга ярайди. Инжиқлигингизни кўтаради. Эзмаланиб гап бошласангиз, тинглайди...

Сиз худди ана шуларни ҳис қилиб. мушоҳада юритиб, ўйлаб кўринг. Муомилангизни энди бироз юмшатинг. Озгина мулойим, озгина ширин сўз, озгина эътиборли бўлинг. Ўрни келганда рўзғор ишида озми-кўпми ёрдамлашиб юборинг мадат бўлади. Мабодо набиралар йиқилиб-нетиб ё шамоллаб қолишса, сиз дарров аёлингизни койишга тушманг. Уларнинг ўз ота-онаси бор. Бир умр болаларингизнинг хархашаси учун дакки эшитганлари етар...

Ҳа, отахон, сизлардек ёши улуғ кишиларга энди вазминлик ярашади. Етти марта ўйлаб, бир марта гапиришлик, донишмандлик ярашади. Ҳар қадамда ўрнак бўлишлик, бир-бирингизни иззат қилишлик, суяб, қўллаб-қўлтиқлаб яшашлик ярашади. Қолаверса, сизларнинг ёшингизда ҳаракат, меъёрли жисмоний ҳаракат жудаям фойдали.

Яна шуниям яхшилаб тушуниб олиш кераккки, отахон, ёши бир жойга бориб қолган аёлингизнинг кўринишида, ҳаракатида ўзгаришлар рўй берган эса-да, ҳали унинг кўнгли ёш. Кўнгил ҳеч қачон қаримайди. Кўнгил ҳамиша меҳр кутади, кичкина бўлса-да тухфа кутади. Кўнгил гулдан нозик, деганлар. Гулни парваришламай қўйинг-чи, сў-ўлиб қолади-я!

Ҳа, аёл зоти табиатан шунақаки, ёши ўтганда ҳам унга мақтов бўлса, эътибор бўлса... Гоҳ-гоҳ бир ёқимли сўз айтиб, пешонасидан ўпиб қўйинг. Қўлларинимми, ҳаёт юкини кўтарган елкалариними, силаб қўйинг. Ёшариб кетади-я, аёл. Кўнгил кўзи қайта нурланади, унинг!

Ўйлаб кўринг, ёнингизда юракканаси тўкилиб турган аёлгина бир умр сиз билан баробар, ўрни келганда сиздан ҳам кўпроқ меҳнат қилди. Куш тинса тинди, у тинмади. Кун бўйи ишхонасида илғор, кечқурун қозон бошида куймаланади. Болаларига қарайди, сизга қарайди. Кир ювади, нон ёпади, дазмол қилади. Болалари ухлаганида қўлига ипигнами, қалам-дафтарми, ишқилиб яна бирон юмушга киришади. Рўзғоримизнинг бири-икки бўлсин, болалар яхши еб-ичишсин, дейди. Ҳузур-ҳаловатдан, уйқудан воз кечади. Болалари ўқишга кирадиган ё тўйлари бошланадиган бўлса, яна ҳаммадан кўпроқ аёлингиз бедор, аёлингиз жонсарак. Сиз эса бундай пайтларда хуррakни авжига чиқараётган ёки ойнаи-жаҳон рўпарасида ёнбошлаб, боксми, футболми кўраётган бўласиз...



Эҳх, сиз аёлингизни ҳар бир фарзандини, ҳа, ҳар бир фарзандини дунёга келтиришида нариги дунё эшигига зарб билан урилиб қайтганини, нури-дийдасининг эсон-омон туғилиши йўлида ўз ўлимига ҳам рози бўлганларини тасаввур қилолмайсиз. Унинг томиридаги қайноқ қони, жони, кучқуввати, чиройи гўдаккинасига ўтиб, болажонисига ҳаёт бағишлади, ҳаёт! Онаизор эса қилтиллаб яшайверади, боласи деб, уйимжойим, эрим, деб. Кейинкейин эса ширин-шакар набиралари ишқида ёнади. Яшашга интилади.

Бор! Шундай ажойиб эркаклар бор. Аёлининг ҳол-аҳволини юракдан ҳис этади. Бир умрлик меҳнатлари, заҳматларини унутиб қўймайди. Аёлига ҳаммавақт яхшт гап билан далда бўлади. Ёрдам беради. Рўзғор харажатларини бадастир қилиб қўяди. Унинг хотини ақалли икки дона пиёз ё бир кафт тузми, гугуртми сўраб, қўшнисиникига чиққан эмас. Халта кўтариб, дўконга чопган эмас. Ўша эркак рўзғорда ишлатиладиган буюмларни ўткирлаб, пақирларга сув тўлатиб, кичкина курсичалар ясаб бериб, хонимига қулайликлар яратади. Хотини пиширган таомни мақтаб-мақтаб тановвул қилади. Суҳбат чоғида ибратли, хушнуд ҳикоятлар айтиб беради. Хуллас. аёлининг кўнглини тоғ, вақтини чоғ қилиб, умрига умр қўшади...

Ўша эркакнинг гапларини бир оғиз эшитинг-а:

- Ёшликда бола-чақани катта қилиб, ишга югуриб умр ўтганини билмай қоларкансан, киши. Эр-хотин айниқса кексайиб қолганида бир-бирини севиши, эҳтиётлашиши, бир-бирига меҳр кўзи билан қараши керак. Тўғри, меҳр-ардоқ, ёрдам ҳамиша керак. Лекин ёш ўтгандаги меҳр, ардоқ нақ жонга малҳам, юракка мадор. Ёши ўтган аёлни гоҳ-гоҳ сиҳатгоҳларга, сайру саёҳатларга олиб бориш керак...

Бундай эр-хотинлар албатта қўша қарийдилар. Ували-жували бўлиб, фарзандларнинг бахтини кўрадилар. Бир-бирини хўрлаган, камситган, ношукр эр-хотинларга эса яратганнинг ҳисоб-китоби бор. Булар ёши ўтган аёлига хизматкор сифатида қарайдилар. Эшикдан қовоқ солиб, дўқ уриб кириб келадилар.

-Қорним очиб кетди, бўл, ошни тез дамла. Салат ҳам қил, аччиққина бўлсин! Кўк чой дамла! Орқамга болиш келтир. Ҳой, телевизорнинг қулоғини бураб қўй, футбол бошланади. Қара, эшикда биров чақираяпти... Ҳой, неваранг йиғлаяпти-ку, ол қўлингга! -деб сўкинади, қичқиради.

Аёл бечора ҳаммасига улгуриш учун жони халак. Оёқлари титрайди. Оғзи қурийди. Иштаҳаси бўғилади. Дастурхон атрофига келиб ўлтиргач, не орзу ҳаваслару ҳаракатлар билан тайёрланган таомини тановвул қилишга ҳоли қолмайди. Эр кўзлари телевизорда, ошни паққос тушираверади...

Наҳотки, озгина мулойимлик, озгина меҳр, озгина ёрдам билан шу аёлгинанинг кайфиятини яхшилаш имкони бўлмаса... Ейй, Оллоҳ, бундай эркакларга ўзинг инсоф бер!

Хазрати Ойиша онамиз: "Расулуллох (с.а.в) кўчадан уйга юзларида табассум билан кирар эдилар... Уй юмушларида кўмаклашардилар", деб нақл этганлар.

Эҳҳ, бизнинг суянч тоғларимиз бўлган мард, полвон эркаклар, жаҳлингизни остонанинг нарёғида қолдириб, кулиб кириб келинг? Ҳорманг аяси, деб аёлингизнинг кўзига синчков назар солинг. Атрофга эътибор беринг. Уйларни тозалаб, саришта қилиб қўйган ёки дор-дор кир ювган бўлса, мақтаб, олқишлар айтинг. Аёл суюнади. Устбошингизни ҳам ғуборлардан, оғзингизни аёлингизга ёқмайдиган ҳидлардан, сўзлардан тозалаб келган бўлсангиз нур устига аъло нур. Эри ичадиган, чекадиган аёлнинг изтиробини тасвирлашга қалам ожиз. Айниқса, болалару келинларнинг, набиралару қудаларнинг кўзига кўриниб турган пайтингизда ҳам бу ҳолатингиз давом этса, тоқат қилиш қийин. Аёл энди сиздан ўлиб кутилишини истайди.Синади. Қалби, ғурури синади. Бас! Ҳалиям бўлса, кўзингизни очиб, асраб қолинг, бахтингизни, бир умрлик ёстиқдошингизни!

Қаранг, шундай Ҳадис бор экан: **"Эринг сенинг жаннатинг ё жаҳаннамингдир".**

Жаннатимиз бўлинг, эркаклар. Ҳар иккала дунёдаги жаннатимиз! Қўша қариш, фарзандлар, набиралар кўриш насиб этганига шукр қилайлик. Асл маърифат шукроналикда! Асл маърифат бир-бирини авайлашда!...

**Санъат МАҲМУДОВА**

# АРЗ

Ҳажвия

**Н. ҲОФИЗОВ**

- Ўртоқ бошлиқ... Гапиришга рухсат этинг. Менинг телевизорим йўқолди.

Ҳаяжонланаётганидан қалт-қалт титраб, палағда овозда милиция лейтенантига арз қилди жабрланувчи. Милиционер ёзувдан тўхтаб, унга қарашга мажбур бўлди. Эшик олдида эса эллик ёшлар чамасидаги бир киши сувга бўккан мушукдек мунғайиб турар, қўлидаги униққан қулоқчинини асабиёна ғижимларди.

- Қандай йўқолди? Ҳайвон эмаски, у ипини узиб кетса...

- Билмасам... Эҳтимол ўғирлашгандир... - деди ҳалиги киши нажот истаб.

- Яна нималарингизни ўғирлашибди?

- Лоторея билетида ютган қалин гиламимни...

- Яна?

- Яп-янги, кийилмаган костюм-шимимни ўғирлаб кетишибди, итдан тарқаганлар.

- Қачон?

- Аниқ вақтини айтолмайман. Бир ойдан бери сафарда эдим.

- Нима, уйингизда ҳеч кимингиз йўқми?

- Хотиним уйда эди.

- Хотинингиз нима дейди?

- Ҳеч нима. Униям ўғирлаб кетишибди.

- Наҳотки? Тип-тирик одамни-я? Ишонмайман, - ўрнидан туриб кетди лейтенант.

- Мана шунақа воқеалар, ўртоқ лейтенант... Ўғирлаганлар. Ишонинг гапимга.

- Отасининг оти?

- Менинг фамилиям - Усмонов.

- Йўғ-е-е... Йўқолган хотинингизнинг фамилиясини сўраяпман.

- Лилия, деб аташарди. Эҳтимол, жайдари оти Лоладир, Лобардир, Латофатдир, Латифадир... Ким билади, дейсиз?

- Бас қилинг! Хотинининг отини билмайдиган эси паст эрни биринчи бор кўриб туришим.

- Чин сўзим, фамилияси ва отини билмайман.

- Турмуш қурганларингга неча йил бўлган?

- Кўп бўлганича йўқ. Сафарга кетишимдан икки кун олдин...

- Таажжуб! Қай вақт ва қаерда учрашувдиларинг?

- Уйланганимдан бир кун олдин, кечқурун кинотеатр олдида танишувдик.

- Ўртоқ жабрланувчи, гапларингиз тушунарли, - деди лейтенант. - Қоғоз-қалам олинг-да, хотинингизнинг оти, фамилияси, турқу тароватн, хулқу атвори, махсус белгилари хусусида муфассал "Баённома" ёзинг. Сурати бўлса, аризангизга қўшиб, ўн нусхада кўпайтириб, қўшиб топширинг. Йўқотган нарсаларингизни топишга ҳаракат қиламиз. Лекин, эҳтиёт бўлинг. Биз йўқотганларингизни топгунимизча, сизни ўғирлаб кетишмасин. Акс ҳолда, саъй-ҳаракатларимиз зое кетади-я!

**Тожикчадан Турсунбой БОЙМИРОВ таржимаси.**

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



**Sohibaxon JUMANIYOZOVA. Xorazm viloyati, Qo'shko'pir tumani, 49-maktabning 7 «A» sinf o'quvchisi.**



**Shohjahon NURIDDINOV. Toshkent shahar, Yunusobod tumanidagi 258-maktabning 2 sinf o'quvchisi.**



**Arofat NIG'MATILLAYEVA. Toshkent shahar, Shayhontohur tumanidagi 84-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.**



**Ulug'bek HAYITMUROTOV. Toshkent shahar, Yunusobod tumanidagi 51-maktabning 1 «B» sinf o'quvchisi.**

**SHAMOL**

*Derazamdan boqadi mayus,*
*Tashqarida uvillar shamol.*
*Nigohimiz bo'lib yuzma-yuz,*
*Go'yo so'rar mendan hol-ahvol.*

*Ko'rmasamda shamolni biroq,*
*Yuragimni unga ochaman.*
*Shamol ketma mendan hech yiroq,*
*Ne izlaysan zulmat kechadan.*

**Dilshoda QODIROVA. Toshkent shahar, Sirg'ali tumanidagi 304-maktabning 5 «B» sinf o'quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




**ҚАДИМГИ ЮНОН ХУДОЛАРИ ҲАҚИДА**

Қадимги юнонлар худолар ҳам оддий одамлар сингари ташқи қиёфага, камчилик ва ўзига хосликларга эга бўлишади, деб ишонганлар. Уларни оддий одамлардан ажратиб турадиган иккита нарса бўлган. Булар: уларнинг мислсиз қудратга эгалиги ҳамда боқий умр кечиришларидир.

Юнонларнинг тасаввурига кўра уларнинг худолари Олимп тоғи чўққисида яшаганлар. Худоларнинг энг қудратлиси Зевс бўлиб, у осмон ва қуёш илоҳи ҳисобланган. Унинг укаси Посейдон денгизлар ҳукмдори бўлиб, у ҳам катта қудрат соҳиби эди. Арес уруш худоси, Гермес эса савдо илоҳи ҳисобланишган.

Аёл худоларнинг энг кучлиси Зевснинг хотини Гера эди. Шунингдек, гўзаллик ва севги худоси Афродита ҳамда уруш ва ақл-идрок илоҳаси Афинани ҳам эслаб ўтиш мумкин.

**ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОНДА САНЪАТ**



Юнонлар буюк ижодкорлар бўлишган. Улар томонидан машҳур адабий асарлар, ибодатхоналар, маданий ёдгорликлар, ҳайкаллар, сопол буюмлар яратилган.

Ҳайкалларда асосан инсонлар, жумладан сиёсатдонлар, файласуфлар, ёзувчилар, шунингдек, худолар тасвирланган. Худолар ҳайкаллари орасида Венера Милосская ҳайкали энг машҳурларидан саналади.

Юнон сополи ўзининг сифати ва юксак даражадаги бадиий безаклари билан ажралиб турган. Уларда акс этган тасвирлар одатда қизил ёки қора рангда бўлиб, айримлари ўзининг юксак маҳорат билан ишланганлиги жиҳатидан ҳозирги рассомларни ҳам лол қолдиради.

Юнон меъморлари илоҳа Афина шарафига Парфенон ибодатхонасини, ажойиб хобхоналар, мавзолейлар, театрлар қуришган. Юнонистонда театр санъати ривожланган бўлиб, муаллифлар асосан трагедия (воқеалар фожеа билан тугайдиган асар) ва комедия (кулги асосига қурилган асар) ёзишган. Жумладан, Софокл томонидан бир қатор трагедиялар ёзилган бўлиб, уларнинг айримлари ҳозир ҳам дуне театрларида саҳналаштириб келинади.

Шунингдек, юнонлар узундан узоқ поэмалар ҳам ижод қилишган. Уларда тарихий воқеалар ва турли қаҳрамонликлар акс эттирилган. Улар орасида энг машҳурлари "Илиада" ва "Одисея" бўлиб, бу поэмаларнинг муаллифи Гомердир.

**ФАЙЛАСУФЛАР КИМЛАР БЎЛИШГАН?**

Файласуф сўзини "билимга, билишга қизикувчи" деб тушунтириш мумкин. Юнонлар бугун бизга оддий бўлиб туюладиган саволларга жавоб топишга интилганлар. Шунинг учун улар жуда доно ва ақлли бўлишган.

Қадимги юнон файласуфларининг энг машҳурлари Сукрот, Афлотун ва Арастулардир. Файласуфлар ўз шогирдларига бахт ва билим йўлини очиб берганлар. Мактабларда грамматика фалсафанинг таркибий қисми сифатида ўқитилган. Айрим файласуфлар замонавий фанларнинг тамал тошини қўйишган. Жумладан, ҳозир ҳам Пифагор математикаси, Евклид геометрияси, Архимед физикаси ўз аҳамиятини йўқотмаган.

**ДЕМОКРАТИЯ НИМА?**

Қадимги Юнонистоннинг Афина, Фива ва бошқа шаҳарларида бошқарувнинг адолатли тизими – демократия амал қилган. "Демократия" сўзи юнончадан таржимада "халқ ҳокимияти" деган маънони англатади. Шаҳар ҳокимияти овоз бериш йўли билан сайланган. Овоз беришда фақатгина бой эркаклар иштирок этиши мумкин бўлган холос.

Бугунги кунда эса дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат раҳбарини ва депутатларни сайлашда эркаклар ҳам, аёллар ҳам, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам иштирок эта оладилар. Масалан, Ўзбекистонда 18 ёшга тўлган мамлакат фуқаролари жинси, ирқи, динга муносабати, жамиятда эгаллаган мавқеи, молиявий аҳволидан қатъий назар сайлаш ҳуқуқига эгалар.

**ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҲАҚИДА**

Мазкур спорт мусобақалари ҳар тўрт йилда бир марта Олимпия шаҳрида олий илоҳ Зевс шарафига ташкил этилган ва беш кун давом этган. Шу вақт мобайнида одамлар ўйинларни томоша қилишларига имконият яратиш мақсадида урушлар тўхтатилган.

Мусобақаларнинг энг муҳими бешкураш бўлиб, спортчилар диск улоқтириш, узунликка сакраш, найза улоқтириш, югуриш ва кураш бўйича баҳслашганлар. Мусобақалар ғолиблари зайтун баргларидан тайёрланган гулчамбарлар билан тақдирланишган.



Замонавий олимпиада ўйинларига эса XIX асрда франциялик ўқитувчи Пьер де Фреди – Барон де Кубертен томонидан асос солинган. У спорт инсоннинг қобилият ва имкониятларини ривожлантиради, деб ҳисоблаган. 1896 йилда Юнонистон пойтахти Афина шаҳрида замонавий олимпиаданинг биринчи ўйинлари бўлиб ўтади. Ҳозирги пайтда ҳам олимпиада ўйинлари худди қадимгидек тўрт йилда бир марта ўтказилади. Фақат фарқли томонлари ҳар гал мусобақалар бошқа шаҳарда бўлиб ўтади, спорт турлари сони ҳам қадимгидан анча кўп. Қолаверса, яна бир томони, ҳозирги кунда олимпиада ўйинлари ёзги ва қишки спорт турлари бўйича алоҳида-алоҳида ўтказиб борилади.

**ДАРМОН** тайёрлади

12 Oila va jamiyat № 3 (846) 17 январ — 23 январ 2008 йил Оила ва жамият

Эр-хотинлар тоифаси

# ЭР АЙМОҒИ – КЕЛИН ҚАЙМОҒИ

"Аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади", дейишади гўё эркакларники йўқдек). Бунинг қанчалик тўғри эканини билмадим-у, лекин "Шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди", деганлари бежиз эмас.

Масалан, менинг узоқ бир қариндошимнинг келини бор. У келин бўлиб буларникига тушганига ўн йил бўлиб қолди. Уч ўғли, бир қизи бор. Айтишларича, эрининг қариндошларидан ўзи хуш кўрмаганларига, бошқаларга билдирмай, фақат ўша ёқтирмаган одамига сездириб ёки билдириб қўядиган қилиб, сузиб келаётган косадаги овқатига сочининг учидан жиндек узиб солиб қўяди. У одам косадан нега соч ёки қил чиқди, экан дейди-ю, ўйланиб қолади. Аммо андишага бориб буни ҳеч кимга айтмайди. Ичида, ўзича, шунақа воқеалар бўлиб туради, дея ўзини юпатиб қўяди. Бироқ бу ҳодиса, ҳеч шубҳасиз, кўнглига ўтириб қолади. Қачонки, бунга келиннинг киши билмас совуқ муомаласи қўшилганда у англайдики, косасидан чиққан қил бекорга эмас экан... Энди бу қариндош бу хонадонга ўйлашиб келади, албатта...

Яна бир воқеа. Бу ҳам юқоридаги воқеага ўхшайди. Яъни келин эрининг ўртоқларидан бирини ёқтирмайди. Аммо умр йўлдоши уни жуда ҳурмат қилади, эъзозлайди. Келин эса эрига: "Шу ўртоғингиз бизникига келмасин", дея олмайди-да, ўзи келтирмасликнинг чорасини топади.

Бир куни эрининг ўша дўсти уни кўргани уйга келади. Иккала ўртоқ узоқ суҳбатлашиб ўтиришади. Келин оғринибгина мастава тайёрлайди. Овқат пишади. Келин ҳам эрига, ҳам меҳмонга бир косадан сузиб келтиради. Улар "олинг, олинг" қилишиб, овқатга қошиқ уришади. Меҳмон олдига қўйилган маставага қошиқ урганда лоп этиб қошиққа пашша чиқади. У нима қиларини билмай, секин пашшани қошиғига олади-ю, ташқарига улоқтиради. Ўртоғи "нима гап?" деган эди, у андишага бориб: "Йўқ, ҳеч нарса", дея ўтириб нон тишлайди. Маставани у яна айлантиради, қатиғини аралаштиради ва дўсти узатган мурчдан солиб овқатни ичишга уннайди. Ичидан пашша чиққан овқатни ичиб бўлади, дейсизми? Ўзини зўрлаб ярмини ичади ва қорни тўқлигини баҳона қилиб, нарига суриб қўяди. Аммо ич-ичидан зил кетади. Чунки у дўстининг хотини унга ҳеч рўйхушлик беравермаслигини олдинлари ҳам сезган эди. Бироқ бунга ишонмаганди. Пашша ҳамма нарсани ҳал қилиб берди. Энди нима қилиш керак? Дўстига буни айтиб бўлмаса... Эр-хотин ўртасига низо туширишни ким ҳам истайди, дейсиз? Меҳмон кетишга изн сўради. Иккала дўст хайр-хўш қилишди...

Ушбу воқеа меҳмоннинг кўксида узоқ вақт сақланиб қолди. У бироз ўртоғидан совиган ҳам бўлди. У ер-бу ерда учрашиб қолганида шунчаки кўришадиган, ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтмайдиган бўлиб қолди. Буни дўсти сезди. Ҳайрон бўлди. Олдинига гина-кудурат қилиб юрди. Аммо бу совуқ муносабат такрорланавергач, бир куни: "Сени одам деб, ҳурмат қилсам, сен мени назарга ҳам илмай қўйдинг", - деди-ю, у ҳам этагини қоқди-қўйди. Неча-неча йиллардан бери дўст тутиниб келган ўртоқларнинг илиқ муносабати шу билан барҳам топди. Эр хотинининг қилмишларидан бехабар юраверди.

Менинг бир яқин қўшни дўстим бор. У билан иккаламиз кўп мавзуларда суҳбатлашиб, фикр алмашиб турамиз. Унинг айтишича, ўз ҳолича мустақил бўлиб олган бир келин эрига тегишли уруғ-аймоқлари билан атайлаб қўл учида кўришиб, тил учида совуққина сўрашар экан. Бу ҳам келаси сафар келадиган меҳмонлар учун ўйлаб қадам босишга ишора бўлар экан. Бу камлик қилгандек, уйида эр уруғига тегишли бирор бир йиғинми, маросимми бўладиган куни у атайлаб касалхонада навбатчилик қилиб қолар экан. Келган ака-ука, опа-сингиллар ўзлари пишириб-куйдириб ўзларини ўзлари меҳмон қилиб кетар эканлар...

Кунларнинг бирида шу келин макр-ҳийланинг антиқа, аммо ишончлисини ўйлаб топибди. У эрига телефон қилиб: "Вой, адажониси, акангиз билан келинойингиз келиб қолишди. Тезроқ келинг. Мен югуриб бозорга бориб келаман", дебди-ю, эри келиши биланоқ сумка кўтариб чиқиб кетибди.



Орадан анча вақт ўтибди. Унинг қайтишидан дарак бўлмабди. Бир замон у онасиникидан телефон қоқибди: "Ҳой, адаси, бошим қоронғулигини биласиз. Кўчада каллам айланиб, неча марталаб қусиб, бир ҳолатда таксида бу ёққа онамникига амаллаб етиб олдим... Менда токсикоз оғир ўтишини биласиз-ку... Сиз ўзингиз бир нарса қилиб, меҳмонларни кутиб олинг... Яхшилаб кутинг... Тағин, хафа бўлиб кетишмасин... Улар сиздан эмас, мендан ўпкалашади, биласиз-ку, уларни...", деб эржонини ишонтирибди. Меҳмонлар таажжубда қолишибди. Ким бу гапга ишонибди, ким ишонмабди. Орадан сал вақт ўтган экан, ака укадан туришга рухсат сўрабди. Бироқ, кўнгилларида келиннинг бу найранги унутилмас доғ бўлиб қолибди.

Буни эшитиб лабимни тишлаб қолдим. Теракнинг учи бекорга қимирламас экан. Мана-ман деган эр зотини лақма қилиб олиш ҳаммага осон бўлмаса-да, баъзи устамон келинларга ҳеч гапмас экан... Астағфируллоҳ!..

Энди билсам, ўз уруғ-аймоғидан мосуво бўлиб қолган эрлар хотин ҳийласига дучор бўлган эрлар тоифасидан экан, аттанг...

Наҳот, ўша келинлар ўзининг келажакдаги ҳаёти эрининг уруғ-аймоқлари, дўстлари, қўшнилари ва маҳалласи билан бир жону бир тан бўлиб кетишини билмасалар?! Наҳот, эр аймоғи келинларнинг кундалик қаймоғидек, эканини улар тушунмасалар?..

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# ХИЁНАТГА ДИЁНАТ

***Бундай йўл тутиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.***

Аёл эр хиёнатига рўбарў бўлди. Энди қандоқ яшайди, қандай қилиб у билан бир ёстиққа бош қўяди? Шайтон қурғур тинчлик бермай минг бир кўчага етаклайди, гоҳ хиёнатга хиёнат билан жавоб қайтаришга ундаса, гоҳ бевафо эр қилмишини кўчада достон қилиб, ўч олишга даъват этади. Лекин аёл шайтон йўриғига юрмайди, вазиятни ақл тарозусида обдон ўлчагач, бу йўллар фақат боши берк кўчага олиб боришини англаб етди. Қаршисида учинчи йўл турарди: Сабрга таяниб, бардошга ишониб яшаш! У ана шу йўлни танлади. Охири нима билан тугаганини ҳикоямиз қаҳрамони Сара бибининг тилидан билиб оламиз.

Эримни кўрган, билганлар у ҳақда ёмон гапиришмайди. Ҳақиқатан у киши хушчақчақ, кўнгли очиқ, улфатчилик қилишни, вақтни чоғ ўтказишни хуш кўрувчи инсон эдилар. Аммо ҳамма нарса ҳам меъёрида бўлгани дуруст экан. Ҳар кунги улфатчиликлар болаларим ризқ-насибаси ҳисобига бўлаётганини кўриб руҳан эзилардим. Кичикроқ бир идорада раҳбар бўлгани билан топгани ўзидан, жўраларидан ортмас эди. Оила менинг далада ишлаб топган даромадим эвазига кун ўтказарди.

Шаҳарда хотини, боласи борлигини эшитганимда саккизинчи боламга ҳомиладор эдим. Ғазабдан лов этиб ёниб кетдим. Бақирдим, чақирдим, уввос тортиб йиғладим. Аммо бари бефойда эди. Эрим ҳамммаси ростлигини тан олди-ю индамай тураверди. Хайрият, бахтимга қайнонам, қайнотам кўпни кўрган бамаъни инсонлар эди, насиҳатлари билан дардимга малҳам бўлишди:

- Келинжон, уй-жойинг, рўзғоринг, болаларингни ғанимат бил, хотин олгани билан қаёққа ҳам кетарди, бир кун кўзидан ёш оқизиб қайтиб келади.

Шу тариқа насиҳатни мен кўплардан эшитдим: туғишганларим, ҳамқишлоқларим, яқинларим менга тасалли бериб, сабрли бўлишга, ҳаммаси яхшилик билан тугашига ишонтиришди.

Бор аламимни меҳнатдан олдим. Далага эрта кетиб, кеч қайтар, уйга келгач, бир олам рўзғор ташвишларига шўнғиб, вақт ўтганини ҳам билмай қолардим. Эрим шаҳарга бир кетганича 2-3 ойлаб бедарак кетар, яна бир пайт қарабсизки, остонада пайдо бўларди. Унинг бу қилиқларига кўникиб ҳам кетдим. Бу орада фарзандларим сони 10 тага етди. Минг қатла шукрлар бўлсинки, оллоҳ менга солиҳ фарзандлар ато қилган экан. Катталари бўй етиб, қанотим остига киришди. Рўзғор, дала ишларида қийналмайдиган бўлдим.

Кунлардан бир кун томорқада куйманиб юргандим, эрим икки болакайни етаклаб кириб келди. Қуйиб қўйгандек эримга ўхшаганидан кимнинг боласи эканлигини дарров билдим. Кундошим учинчи боласига кўзи ёриб, туғрукхонада ётган экан. Болада нима гуноҳ, онаси касалхонадан чиққунча едирдим, ичирдим, ювдим, тарадим. Бора-бора болалар тез-тез келадиган, таътил пайтларини тунлай бизникида ўтказадиган бўлишди. Иккинчи ўғлимни ҳарбий хизматга кузатадиган бўлдик. Вокзалга боришдан олдин эрим майда-чуйда олди-да, мени туғруқхонага бошлади. Кундошим бешинчи фарзандига кўзи ёриган экан. Эримнинг гапини икки қилишга ўрганмаганман, у билан бошлашиб туғруқхонага бордим. Кундошим билан илк бор шу ерда кўришдик. Шу-шу тўй-маъракаларда кўришиб турадиган, касал бўлсак ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлдик.

Бу орада фарзандларим бирин-кетин уйлик-жойлик бўла бошлашди. Эрим барча тўйларда бош-қош бўлар, маъракa ўтиши билан яна шаҳарга кундошимникига жўнаб қоларди. Майли, шунисига ҳам шукр, болаларимга оқ йўл тилайдиган отаси борлиги билиниб турибди, отасизликдан худо асрасин деб, оллоҳга шукроналар айтардим.

Орадан йиллар ўтиб, эрим 60 ёшдан ошгач, юрак хуружига учради. Кундан-кун мазаси қочаётганини хис қилиб турардим. Нима бўлган, нима қўйганини билмайману бора-бора шаҳарга кам қатнайдиган, борса ҳам тушкун кайфиятда уйга қайтадиган бўлди. Бу орада фарзандларимнинг саккизтаси турмуш қуриб, ўз-ўзидан тинчиб кетишди. Бир кун чой ичиб ўтирарканмиз, болалар ўз юмушларига туриб кетишгач, аста қўлимни ушлади: Хотин, хайрият бахтимга сендай хотин мен бедавонинг бахтига сендай сабр-бардошли хотин учраган экан, ўзимга ўхшаган ақлсизи учраганда эҳтимол ўнта боламдан ҳам, рўзғоримдан ҳам жудо бўлиб, бугун кўчада қолармидим...

Орадан бир ҳафта ўтмай эрим кўчада кетаётиб, юрак хуружидан дунёдан кўз юмди.

Бугун ёшим 70 дан ошди. Ҳақиқий қарилик гаштини суряпман. Келинлар, набиралар ардоғидаман. Касал бўлиб бошим ёстиққа текканда ўз болаларим қатори кундошимнинг болалари ҳам "онажон" деб атрофимда парвона бўлишади. Тўй-маъракаларда ўз яқинларимдек хизмат қилиб чарчашмайди. Ҳа, сабрнинг таги олтин деганлари рост экан. Мен бу "олтин"ни эрсиз ўтган заҳар-заққум кунларим эвазига, болаларни улғайтириш учун чеккан машаққатларим эвазига топганман. Шунинг учун эрининг сал ножўя ҳаракатини сезибоқ оиласига этак силкиб чиқиб кетаётган жувонларни кўрсам: ҳай, кўзларингга қараб ақл билан иш тутинглар, охири пушаймон бўлиб қолманг, деб дакки беришдан чарчамайман.

**Сара бибининг сўзларини оққа кўчирувчи, Зуҳра ҚУРБОНОВА.**

Турмуш чорраҳаларида

# ОДАМ БЎЛИШ КЕРАК

(Боши ўтган сонда)

Тўпалонни эшитиб, мўйсафид Акбар ота ҳам хассасини дўқиллатиб чиқиб келганди.

- Ҳали бу зўравонликларинг қимматга тушади, - деди қўшнилар ёрдамида ўрнидан турган Зуҳриддин чаккасидаги, лабларидаги қонни артаркан.

- Болаларим, - деди Акбар ота ака-укаларга қарата. - Бунақа қасдлашишлар билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди. Даъволаринг бўлса, ана суд бор, ҳукумат бор. Орани очиқ қилиб беради.

Шундан кейин туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилишди. Аризага навбат етиб, кўриладиган бўлгунча Мардонанинг кўзи ёрийдиган пайт келди. Акалари уни машинада туғруқхона дарвозасигача олиб келишди-да, ичкарига ёлғиз ўзини киритиб юборишди.

- Бу ёғини энди ўзинг тушунтир.

Туғруқхонада Мардона минг бир азоб, қўрқув, уят билан кўзи ёриб, қизчалик бўлди. Бош врачга сабабларини айтиб берганди, икки кун ўтиб, бош врач унинг олдига бир адвокат аёлни бошлаб келди. Адвокат Мардонанинг даъволарини тинглаб, ёзиб олгач, тинчлантирди.

- Кўп куйинаверманг, синглим! Чора албатта кўрилади. Сиз ҳақ бўлиб чиқасиз.

Туғруқхонадан жавоб бериладиган куни қизини олиб кетгани онаси Фароғат опа келди.

- Опажон, - деди бош врач она-болани кузатаётиб. - Қизингизни кўп эзманглар. Шунча эзилгани етар. Болада гуноҳ йўқ. Қаранг, қандай ширин, дўмбоқ қизча! Қайсидир бир ифлоснинг маразлиги учун бола айбдор, жавобгар эмас.

Уйга қайтишгач, бир неча кун ўтиб, суддан чақириқ қоғози келди. Ота-она қизларига судда нималар дейишни уқдиришаётганда ҳовлида важоҳатидан ҳамма жойга ўт қўядигандай бўлиб, Зуҳриддиннинг хотини Ибодат кириб келди.

- Ҳали сен шаллақи, суюқоёқ, қаерлардан орттирган болангни бизнинг бўйнимизга илмоқчимисан? - деди шанғиллаб, қўйиб берса Мардонага чанг солгудек. - Болаларимни отасидан ажратиб, учта бола билан бизни сарсон қилиб, кўчага ташламоқчимисан? Шарманда бўлганингнинг аламини биздан олмоқчимисан?

- Кўп ҳовлиқма, - деди хаста овозда ота, Абдусалом ака. - Ким ҳақ, ким ноҳақ суд ҳал қилиб беради.

- Барибир қўлларингдан ҳеч нарса келмайди, - жаврашда давом этди Ибодат. - Одамни бўшини топсаларинг осилаверасанларми? Сенларга бу ҳам кам!

- Бўлди, бас! Жўна уйингга! - пайдо бўлди Раҳматулла. - Бўлмаса ўзингдан кўр! Аёллигингга ҳам қараб ўтирмайман!

- Сенлама! - ўқрайди унга Ибодат. - Мени кўтариб катта қилганинг йўқ!

- Сен мени ота-онамни катта қилганмисан? - аранг ўзини босди Раҳматулла.

Ибодат шанғиллаб, қарғаниб ҳовлини тарк этди. Абдусалом ака бу жанжалдан сўнг ўзини ёмон сезиб қолганди, дори ичиришгач, сал ўзига келди.

- Падарига лаънат, - деди алам билан. - Бу хотинмас, бир бало! Шайтонни урғочиси деб бекорга айтишмас экан!

Шу куни Зуҳриддинникига қайниси Мажид бир хабар билан келди. Айтишича, икки уй наридаги акаси Баҳриддин иштирокида бу масала муҳокама қилинаркан.

- Сенга қувват берсин, - деди Баҳриддин Мажидга. - Мени ёлғиз укам, сени ёлғиз поччанг туҳматга қолмасин.

- Почча! - деди Мажид далда бериб. - Бардам бўлинг. Қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Мен неча йиллардан бери райижрокомда ишлайман. Битта шу ишни тинчитолмасам, нима қилиб юрибман? Сиз айбсиз бўлиб чиқасиз. Ўша куни тўйда бўлганини, тоғасининг ўғли билан кетганини кўпчилик кўрган. Даъво қилишга исбот-далиллари ҳам йўқ.

- Тўғри, - тасдиқлади Зуҳриддин. - Мен икки оғиз гапимни айтганман-у, қайтиб кетганман. Кейин нима бўлганини билмайман.

- Энди почча, - жиддийлашди Мажид. - Чўнтак кавлаб ҳаражат қилишингизга тўғри келади.

- Қанақасига? - ажабланган бўлди Зуҳриддин - Айбим бўлмаса, нимага ҳаражат қиламан?

- Очилган ишни ёпди-ёпди қилиш осонми? - деди Мажид киноя билан. - Суд-у, прокуратурадагилар ҳам аҳмоқ бўлиб, бекорга ўтиришмагандир.

- Айбинг бўлмаса, нимага сени калтаклашганда даъво қилиб қаматмадинг? - синовчан сўради ака.

- Ҳа, энди, - ўнғайсиз ҳолга тушиб, мужмалланди Зуҳриддин. - Аламзада бўлиб юришганди. Шуни ўйлаб, кейин бир қишлоқ одамимиз, судбозлик қилиб юрмайлик, дедим-да.

Ака истеҳзоли кулимсираб, бош чайқаб қўйди.

Суд ҳам бўлиб ўтди. Бироқ Мардонанинг барча даъволари асоссиз топилиб, иш Зуҳриддиннинг фойдасига ҳал бўлди.

- Тавба, - деди Абдусалом ака ҳайрат ва алами жўшиб ўғиллари Раҳматулла ва Ниёзали билан ўтирганда. - Бола қуйиб-қуйгандай ўша расвонинг ўзи! Ўқимаган, ҳатто бу ишдан бехабар одам ҳам бир кўришда бола кимники эканлигига ақли етади-ю, шунча ўқимишли, зиёли ходимларнинг ақли етмабди-да!

- Энди дада, - деди Раҳматулла тараддудланиб. - Ноҳақлик зўр чиқдими, бизда ҳам бир йўл қолди. Ўша аблаҳни уриб, майиб-ногирон қилиб ташлаш керак. Қилмиши учун бир умрлик тамға бўлади.

- Йўқ-йўқ! - чўчиб кетди ота. - Менинг аҳволимни кўриб турибсизлар, дори-дармонлар билан зўрға юрибман. Сизларга бир нарса бўлса кўтара олмайман. У расво қилмишидан тониб, қутилволишга кучи етдими, энди даъво қилиб сизларни қаматишга ҳам кучи етади. Қўйинглар, ҳали унга ҳам аталгани бор. Балким бу кўргулик бизнинг ҳам пешонамизда бўлгандир. Бир эшитганим бор эди, одам дунёга келганида олдида бир эмас, бир нечта йўл тураркан. Қайси биридан юрса нимага етишиши олдиндан белгиланган бўларкан. Хом сут эмган банда кўпинча қайси йўлга тушганини билмай қолади. Тўғри қилаяпман дегани хато бўлиб чиқиши, хато қилдим, деб иккилангани тўғри ҳам бўлиши мумкин. - Ота толиқди шекилли, гапдан тўхтаб сукутга ботди. Бироздан сўнг ўғлига диққат билан тикилиб, аста давом этди:

- Синглингни Меҳнатобод деган жойдан сўраб келишаяпти. Фарзанд кўрмай, ажрашган йигит экан. Қариндошимиз Ортиқалининг маҳалласидан. Яхши бола дейишаяпти. Ажрашганда ҳам бежанжал, рози-ризолик билан ажрашган экан.

- Бола-чи? - иккиланди Раҳматулла. - Ўгай ота барибир бир кун ўгайлик қилмайди, деб бўладими?

- Болани олиб қоламиз, - деди ота ўғлининг фикрини астойдил билмоқчи бўлиб. - Онанг иккаламиз кенжа фарзанд қилиб номимизга ўтказамиз. Саккизта бола катта бўлган хонадонда битта бу ҳам ортиқчалик қилмайди.

- Айтгандай яхши жой бўлса, берворсак бўлади, - деди Раҳматулла ўйланиб. - Ўзи нима деяпти?

Ўзи бизга ташлаган, сизлар биласизлар деб. Мардонанинг қизчасини олиб қолиб, ўзини қўшни туманга турмушга берворишди. Ора-орада ота-она хонадонига йўқлаб келганида ўзини тутиши, кайфиятига қараганда яшаши ёмонга ўхшамасди. Ярим йилдан кўпроқ вақт ўтиб, куёв билан келганида қорни дўппайиб, ҳомиладорлиги билиниб турарди. Абдусалом ака бу пайтда оғирлашиб, анча ҳолдан кетиб қолганди. Мардона отасини қучоқлаб, пешонасидан ўпиб, оёқ томонига ўтириб, ҳўрланиб йиғлашга тушди.



- Қўй, қизим, йиғлама, - синиқ овозда таскин берди ота. - Нима қилайлик, бизда ҳам орзу-ҳаваслар катта эди, бу кўргуликлар ҳам бор экан. Нима бўлганда ҳам сен жойингни топиб, тинчиганинг рост бўлсин. Шунисига хурсандман. Кўнглингни бузаверма, сендан гинам йўқ.

Бу ота билан сўнгги кўришиши эканини Мардона билмаганди. Эри билан уйга қайтганининг эртасига таъзия хабари келди...

Қизчага ҳаётда ноумид яшамасин, деган мақсадда Умида деб исм қўйишганди. Умида шу ҳовлида бувисини "ойи", тоғаларини "ака", холаларини "опа" деб тили чиқди. Мулойим, ёқимтой қизча бўлганди. Туққан онаси Мардона ҳам бот-бот келиб турарди. Уни ҳам "опа" дерди. Мактаб ёшига етганида дарслар тугаши билан кела солиб, "ойижон!" деб бувисининг қучоғига отиларди.

Бир куни ана шундай дарсдан келишларидан бирида Умида қизиқсиниб сўраб қолди.

- Ойижон, нимага бошқа ўртоқларимни ойилари ёш, чиройли хотинлар-у, сиз қари кампирсиз?

Фароғат опа бир сесканиб кетди. Лекин неварасини мулзам қилишга ҳам кўнгли бўлмади.

- Ҳа, энди болам, сен қариганимизда туғилгансан-да! Акаларинг, опаларинг мактабда ўқиганда мен ҳам ёш, чиройли эдим. Кейин ёш бола бунақа гапларни сўрамайди. Уят бўлади. - Кейин буви ниманидир сезгандек бўлиб хавотирланиб, Умидага уқтирди: - Болам, мабодо анави жувонмарг Зуҳриддин дегани олдига чақирса, бориб юрма! Пулми ё бирор нарсами берса, ола кўрма. У жуда ёмон одам.

- Хўп, ойижон, - деди Умида. - У менга гапирмайди-ю, доим ғалати қарайди.

- Ана, биларкансан-у, - деди буви. - Эҳтиёт бўл дейман-да!

Йиллар ўтиб, Умида мактабни тугатиб, балоғат ёшига ҳам етиб қолди. Бу пайтда Зуҳриддин ва хотини, қизлари, ўртанча фарзандлари билан андармон эдилар. Беш йилдирки, қиз дардманд, ҳар бир йилнинг ярмидан кўпроғини касалхонада ўтказади. Тенгдошлари турмуш қуриб, фарзандлик бўлиб кетишган. Унинг ота-онасининг кўзига қизларининг соғлигидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

- Дадажон, - деди қиз бир келганида. - Сизларни ҳам роса қийнавордим. Топганларинг бари менга кетаяпти. Энди фойдаси йўққа ўхшаяпти.

- У нима деганинг, қизим? - титраб кетди Зуҳриддин. - Кетганини ўйлама, сен соғайсанг бўлди, бизга! Ота-она фарзандига сарфламаса, кимга сарфлайди?

- Балки, мен шунга лойиқдирман, - деди қиз синиқ, ҳорғин овозда.

Зуҳриддиннинг ичи "шув" этиб, юзлари қизариб кетди. Қиз буни сезмаслик, кўрмаслик учун юзини четга бурди. Шу куни ярим кечага яқин қизининг жони узилди. Дафн маросимлари ўтган бўлса-да, Зуҳриддиннинг хотини Ибодат ҳамон ўзига келолмай, қўли ишга бормай, кун бўйи йиғлаб, гоҳ-гоҳида овоз чиқариб, дод соларди. Уй ёнидан ўтиб эшитиб қолган одамнинг юрак-бағри эзиларди.

- Бўлди энди, онаси, - деди бир куни Зуҳриддин хотинини юпатмоқчи бўлиб. - Тақдир, қисмат экан, қўлимиздан нима келарди?

- Падарига лаънат бунақа тақдир, қисматни! - тутаб кетди Ибодат. - Қайси гўрдан бино бўлган ҳаромилар яйраб, яшаб юрсалар-у, мени гулдай болам тупроқда ётса!

- Бу билан нимага шаъма қилаяпсан? - ясама киноя билан деди Зуҳриддин.

- Нимагалигини тушунгандирсиз, - заҳрини сочди Ибодат. - Ё тушунтириб қўяйми?

- Майли, сен айтгандек ҳам бўла қолсин, - паст кела бошлади Зуҳриддин. - Лекин йигирма йил олдин бўлиб ўтган воқеани бу кунларимизга нима даҳли бор?

- Нимага даҳли бўлмас экан? - аланга ола бошлади Ибодат.- Сиз ўша пайтда шу расволикни қилмаганингизда, мен ҳозир боламнинг касалини, ўлимини ҳеч кимдан кўрмасдим. Тақдир экан, деб йиғлаб-йиғлаб тан бериб қўя қолардим.

...Зуҳриддин шу тобда хотини билан тортишиш бефойда эканлигини билиб уйдан чиқиб кетди.

Яна икки ойча вақт ўтди. Ибодат ҳамон қизи эсига тушганида ўксиб-ўксиб, йиғлаб оларди.

Бир куни Зуҳриддин эрталаб қаёққадир тараддудланаётганди, олдига хотини келиб қолди. Қовоқлари шишиб кетган бўлса-да, йиғлайверганиданми, кўз ёшлари ҳам қуриб қолганди.

(Давоми бор)

**Комил НАЗАР**

Руҳият сирлари

**Ҳар куни ишга келганингизда ҳамкасбларингиз сизни кулиб қарши олишларини, турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз эътиборли ҳамда меҳрибон бўлишларини истайсизми? У ҳолда мақтовларга зиқналик қилманг.**

# МАҚТОВ ҲАММАГА ЁҚАДИ

Айтишларича, аёлларнинг кўнглига ёқадиган гапларни топиб гапириш санъатини фаранглар ўйлаб топишган экан. Улар аёлларни ром этиш ва кўнглини ёғдай эритиш сирларини яхши билишган. Шу аснода суҳбат чоғида бир-бирига илиқ сўзлар, мақтовлар айтиш ўрта асрларда пайдо бўлган. Дастлабки пайтларда ана шундай илиқ сўзлар ва мақтовлар фақатгина аёллар шаънига айтилган. XVIII асрнинг машҳур сиёсатдони ва ёзувчиси, граф Честерфильд "Ўғлимга мактублар" номли асарида фарзандига шундай ўгит беради: **"Суҳбат чоғида сенинг барча ҳазилларинг ва сўзамоллигинг суҳбатдошинг бўлган аёлни мадҳ этишга хизмат қилсин. Аммо ҳеч қачон улардан унинг қалбига озор етказадиган маъно келиб чиқмаслиги лозим".**

### МАҚТОВ АЙТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бир инсонга ўз вақтида чин дилдан илиқ сўзлар айтиб кўнглини кўтариш, қалбига йўл топиш кўпчилик ўйлагандек осон иш эмас. Бунинг учун нафақат эътиборли, суҳбатдошнинг феъл-атворидан, қизиқиш ва интилишларидан хабардор бўлиш, балки меъёрни ҳам билиш, мақтов айтаман деб бехосдан "қовун тушириб" қўймаслик ҳам керак. Масалан, сўнгги вақтларда озиш учун парҳез сақлаётган кишига дабдурустдан "Анча тўлишиб қолибсиз" десангиз, бу гапингиз унинг учун мақтов эмас, аксинча бошига гурзи билан ургандек зарба бўлиши тайин. Хуллас, қуйидаги бир қанча муҳим қоидалар сизга ҳаётда қўл келиши мумкин. Уларни ёдда тутинг ва имкон қадар амал қилинг.

- Мақтов сўзлари айтишдан олдин, айнан нима демоқчи эканлигингизни ўзингиз учун аниқлаб олинг. Йўқса, суҳбатдошингизнинг кўнглини оламан деб, тескари натижага эришиб ўтиришингиз ҳеч гап эмас.

- Узундан узоқ мақтов сўзларидан тийилганингиз маъқул. Чунки бунда, биринчидан, гапингиз чувалашиб, асл мазмун-моҳиятига путур етиши, иккинчидан эса, суҳбатдошингиз бу сўзларингиздан зерикиши, сизни тинглаш унга малол келиши ҳам аниқ.

- Суҳбатдошингизнинг ҳамма биладиган жиҳатларига эмас, балки айнан кўпчиликка номаълум хислатларига эътибор қаратинг. Масалан, унинг ташқи чиройини эмас, кўнгли тозалигини, меҳрибон эканлигини мақтасангиз, бу яхшироқ натижа беради ва кутганингиздан ҳам аъло таассурот қолдиради.

-"Доим", "Ажойиб", "Жуда", "Гап йўқ" каби умумий сўзлардан, қолипга тушиб қолган иборалар ва жумлалардан қочинг. Мақтовда бевосита у йўлланаётган одамнинг хислатлари қанчалик кўпроқ ва яхшироқ акс этса, унинг баҳоси ва қадри ҳам шунга яраша юқори бўлади.

- Икки хил маъно берадиган ибора ва жумлаларни қўллашдан эҳтиёт бўлинг. Масалан, аёл киши ёки қиз болага: "Бугун жуда ҳам чиройли бўлиб очилиб кетибсиз", дейиш нотўғри. Чунки бу сўзлардан: "Бошқа кунлари бундай эмассиз", деган тагмаъно уқиш мумкин. Яхшиси: "Сиз бугун ҳар кунгидан ҳам гўзалроқ ва латофатлисиз", десангиз, олам гулистон.

- Мақтов сўзларини ҳар доим аниқ-тиниқ, дадил, табассум билан айтинг. Бундай пайтда иккилангандай тутилиб қолишлар, чайналишлар дил сўзларингиз самимий эмаслигига ишора бўлиши мумкин.

- Мақтовда аниқ фактларга таянинг. Масалан: "Сиз нима кийсангиз ҳам ярашади", дейиш шунчаки кўнгилни кўтариш учун айтилган гап сифатида қабул қилинади. Аслида эса: "Сизга мовий ранг (ёки бошқаси)ли кийим жуда ярашади, очилиб кетасиз", дейиш тўғрироқ бўлади.

- Аммо юқоридаги каби дил сўзи тавсияга айланиб кетмаслиги лозим. Яъни: "Шу костюм сизга ярашибди, доим уни кийиб юринг", деган гап мақтовдан кўра кўпроқ тавсия-топшириққа ўхшаб кетади, шундай эмасми?!

- Чин дилдан айтилмаган мақтов дарров сезилиб қолади. Шу боис кўнглингиздаги самимий, илиқ сўзларни тилингизга чиқаришга қийналсангиз, индамай қўя қолганингиз маъқул.

- Мақтовни ҳар доим ўрнида ва вақтида айтган дуруст. Ўринсиз мақтов асабга тегиши мумкин. Масалан, ҳамкасбингизнинг муҳим тадбирдаги ажойиб маърузасидан сўнг шу нарса билан табриклаш ўрнига янги костюмини мақтаб турсангиз, ғалати туюлиши ҳеч гап эмас.

- Бошқа одамларга қойил қолишга, ҳавас қилишга қодир бўлишга интилинг. Халқимизнинг: "Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак", деган ҳикмати бекорга айтилмаган. Сиз яқинларингиз, ҳамкасбларингизнинг яхши томонларини топиб мақтов сўзлари айтсангиз, улар ҳам албатта сизнинг ижобий хислатларингизга эътибор қаратишади. Бу ҳақда ўзингизга чин дилдан фикр айтишади.

### КИМЛАР МАҚТОВГА ЛОЙИҚ?

Кўпчилик мақтовни эркаклар томонидан аёлларнинг кўнглини овлаш учун ўйлаб топилган восита, деб ҳисоблайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир замонлар ростдан ҳам шундай бўлган. Аммо айни замонда мақтов эшитиш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам, бошлиқларга ҳам, оддий ходимларга ҳам, танишлару нотанишларга ҳам бирдек ёқишини таъкидлаб ўтишни истар эдик. Ҳаммада ижобий энергияга, кўнгилни кўтарадиган ҳиссиётларга эҳтиёж бор. Мақтов эса ана шу туйғуларга эга бўлишнинг оддий воситаси ҳисобланади. Сиз суҳбатдошингизга кўнглига ёқадиган гап айтсангиз, унинг юзига табассум югуради, дили ёришади. Шу онда ундаги ижобий энергия сизга ҳам кўчади.

Аммо шу ўринда битта нозик жиҳат мавжуд. Эркаклар дилга ёқадиган ширин сўз, мақтов сўзлари айтишга қийналишмайди, бу нарса уларда осон ва бир маромда кечади. Аммо аёллар хатто энг яқин дугонасига ҳам мақтов сўз айтишга қийналадилар. Руҳиятшуносларнинг таъкидлашларича, бунинг асосий сабаби аёллар ҳар доим бир бирларида рақибни кўришларида экан. Аёлларга хос мантиққа кўра, бошқа аёлни (ҳатто у энг яқин кишинг бўлса ҳам) мақташ уни ўзингдан устун қўйиш билан баробар. Қайси аёл буни тан оларди дейсиз!

Аммо ақлли аёллар рақиблари шаънига баъзи-баъзида илиқ сўзлар айтиб туришга, дугонаси ёки ҳамкасбининг янги кўйлагини ёхуд соч турмагини мақташга ўзларида куч топа оладилар. Чунки улар бу тезкор, қарама-қаршиликларга тўла дунёда жинсдошлари билан келишиб яшаш муҳимлигини яхши биладилар. Улар хатто жинсдошларининг бирор бир камчилигини ҳам гўёки мақтов сўзи тарзида билдирадилар. Масалан, зиқна ҳамкасби ёки қўшнисини: "Менга сизнинг тежамкорлигингиз жуда ёқади", деб мақтаган бўладилару, аслида коса тагида ним коса сезилиб туради.

Барча оналарга уларнинг фарзандлари шаънига мақтовлар эшитиш ёқади. Чунки фарзандларнинг ақлли, юриш-туриши, кийиниши чиройли ва рисоладагидай бўлишида кўп жиҳатдан айнан оналарнинг ҳиссаси катта бўлади. Бирорта аёлга "қанийди менинг болаларим ҳам сизнинг фарзандларингизга ўхшаган бўлишса", десангиз, тамом, хурсандчиликдан боши осмонга етади.

Илмий асосланган маълумотларга кўра, эркаклар ўзларининг бошқалардан зўрроқ, ақллироқ, масъулиятлироқ эканликларига ишонадилар. Шунга қарамай, уларга мана шу хислатларини мақтаб гапиришлари ёқади. Шу боис хотинлари эрлари шаънига илиқ сўзлар ва мақтовлар айтишдан чарчамайдиган оилалар энг мустаҳкам ҳисобланаркан.

Аммо шу ўринда айрим жиҳатларни унутмаслик керак. Аёллардан фарқли равишда эркаклар уларнинг янги кийимини ёхуд ташқи кўринишини алқашларига унчалик эътибор беришмайди. Аммо ишдаги ютуғи, янги лавозимга кўтарилгани, ўз қўли билан пиширган таоми ёки ясаган бирорта буюми, ҳатто кучук учун қурган кичкина уйчаси ҳақидаги илиқ сўзлар уларни еттинчи осмонга олиб чиқиб қўйиши тайин.

Эркаклар шаънига мақтовни қандай оҳангда айтишга ҳам кўп нарса боғлиқ. Хусусан, аёлнинг эри шаънига айтган: "Йилда бир марта ошни ўзим пиширай дебсиз-да?!"- деган сўзларида мақтовдан кўра кўпроқ киноя борга ўхшамаяптими, сизнингча? Аслида аёл: "Дадаси, сиз дамлаган ош бирам мазали чиқади, қўлингиз ширин-да ўзи", деса кифоя. Чунки аёллар ҳар қандай мақтовни ёқимли, аммо оддий сўзлар сифатида қабул қилишса, эркаклар учун у келгуси хатти-ҳаракатларини белгиловчи ўзига хос йўриқномага ўхшайди.

Ниҳоят энг муҳим шахсга навбат келди. Бу – болалар. Фарзандларингиз шаънига мақтов айтишда асло зиқналик қила кўрманг, аммо мақтов билан эркалашнинг бошқа-бошқа нарсалар эканлигини ҳам унутманг. Ширин сўз ва мақтов болада ўзига ишонч уйғотади, қийинчилик ва муаммоларни ҳал этишида куч бағишлайди. Масалан, математикадан навбатдаги масалани ечишга қийналиб турган ўғлингиз ёки қизингизга: "Сен жуда ақлли, билимдон боласан, шунинг учун бу масалани осонгина ҳал қилишингга ишонаман. Қани, фикрингни жамлаб яна бир марта уриниб кўр-чи. Мабодо шунда ҳам ечолмасанг, кейин биргалашиб ҳал қиламиз", деган сўзларингиз унга қанот бўлади. Энг асосийси, боланинг ташқи кўринишини эмас, балки фойдали хислатларини, хусусан, ақлини, тиришқоқлигини, тартибли эканини, аълочилигини мақташ керак.

### "МЕНИНГ КЎРИНИШИМ ЯХШИМИ?"

Нафақат мақтов сўзлари айтиш, балки уларни тўғри қабул қилиб, ўринли жавоб қайтара олиш ҳам бир санъат. Дейлик, ҳамкасбингизнинг кўринишингиз жуда ажойиб эканлиги ҳақидаги дил сўзларига жавобан: "Менинг кўринишим яхшими? Туни билан ухлолмай чиқдим, кўзимнинг остидаги ҳалқаларни қаранг", деб эътироз билдирсангиз, бир томондан уни ноқулай аҳволга солиб қўясиз. Иккинчидан эса, бундан кейин айнан мана шу ва суҳбатларингизга бевосита гувоҳ бўлган бошқа ҳамкасбларингиздан шаънингизга мақтов кутмасангиз ҳам бўлади. Шунинг учун сизга қаратилган ҳар қандай ширин сўз ва мақтовни миннатдорчилик билан қабул қилинг. Бунда одатдаги қолипга тушиб қолган сўзлардан қочиб, суҳбатдошингизнинг кўзларига кулиб қараганча, самимий миннатдорчилик билдиринг. Яъни шунчаки "Раҳмат" деб қўя қолгандан кўра: "Эътибор қаратганингиз учун раҳмат", "Раҳмат, сиздан бундай мақтовларни эшитиш мен учун жуда ёқимли", "Самимий дил сўзларингиз учун ташаккур", десангиз, суҳбатдошингиз ҳам хурсанд бўлади. Мабодо, сизга лаганбардорлик қилишаётганини, ёки мақтов сўзлари тагида аслида киноя оҳанги яширинганини сезиб қолсангиз, қуруққина қилиб "Раҳмат" дейиш билан чекланинг. Бундай кинояли мақтовга изоҳ бериш ёки тегишлича жавоб қайтариш шарт эмас. Чунки суҳбатдошингизнинг мақсади айнан сизнинг асабингизга тегиш, кайфиятингизни бузиш бўлиши мумкин. Шу боис сўзларини эътиборсиз қолдирсангиз, суҳбатдошингизнинг ўзи уялиб қолади.

Яна бир гап. Мақтовларни қабул қилиб оларкансиз, ўзингизнинг ижобий хислатларингизни асло камсита кўрманг. Сизни гўзал ва ақлли дейишаяптими, демак ростдан ҳам шундай.



**ДАРМОН** тайёрлади.

# ПАҲЛАВОНЛАР МЕВАСИ

Соғлиғингиз бойлигингиз





Ёнғоқ меваси, барги ва ҳатто танасини арралашда ҳосил бўлган қипиғи ҳам инсон организми учун ўта шифобахш хусусиятга эга бўлган мевадир.

Ёнғоқ таркиби витаминларга, минерал элементларга, оқсилларга, мой ва клетчаткага бой мевадир.

Ёнғоқ мағизининг 21% ни оқсиллар (аминокислоталар) ташкил қилади. Унинг таркибидаги аминокислоталар мия тўқимасида оқсил синтезини кучайтирувчи қурилиш маҳсулоти ҳисобланади. Ёнғоқ истеъмол қилганда мия тўқимасида оқсил синтезининг кучайиши кишини ақлий ва эслаш қобилиятини кучайтириб, асаб тизимида хотиржамликни ривожлантиради. Маълумки, барча тўқималарда, моддалар алмашинувини ферментлар бошқариб боради. Ферментлар эса оқсиллардир. Шу сабабдан ҳам, мия тўқимасида оқсил синтезининг кучайиши ферментлар активлигини оширади. Натижада мия тўқимасидаги моддалар алмашинуви кучайиб, энергия ҳосил бўлиши кўпаяди, яъни мия тўқимасидаги тикланиш жараёнлари кучаяди. Шу сабабдан ҳам ёнғоқдан мия касалликларини, айниқса эпилепсия, тарқоқ склероз ва мия атрофияси каби касалликларни олдини олишда ва даволашда фойдаланиш беназир шифо усулидир. Мия ва орқа мияси хасталанган кишиларга кунига ҳеч бўлмаганда 4-5 та ёнғоқни доимий равишда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ёнғоқ мия тўқимасидаги моддалар алмашинувини ва тикланиш жараёнларини кучайтирганлиги боис анъанавий тиббиётда уни "мия учун тўй" деб баҳолашади. Ёнғоқ таркиби оқсил ва мойга бойлиги 74% сабабли юқори калорияли овқат маҳсулоти ҳамдир. Юз грамм ёнғоқ мағизи 600-850 килокаллорияга эгадир. Ёнғоқнинг тўйимлилик даражаси асалникидан 4,5, балиқникидан 7-8 маротаба, картошка ва сигир сутиникидан 10 маротаба баланддир.

Ёнғоқ меваси юқори каллорияли овқат маҳсулоти бўлганлиги сабабли ундан озғинликни (гипотрофия, кахексия ва миопатияни) даволашда фойдаланиш яхши натижа беради. Семириш хасталиги мавжуд бўлган ёки семиришга мойиллик бўлган кишиларга ёнғоқни кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Ёнғоқ мойи таркибида политўйинмаган ёғ кислоталарининг кўплиги бирламчи сабабчиси атеросклероз бўлган касалликлар ривожланишининг олдини олади. Ривожланиб улгурганларини эса тўхтатади. Демак, ёнғоқ мойи таркибидаги политўйинмаган ёғ кислоталари умрни узайтирувчи моддалардир.



Ёнғоқ мағизи таркиби биологик актив моддалар, витаминлар ва минерал элементларга ҳам бойдир. Ёнғоқ мағизи таркиби витамин С нинг конидир. Таркибидаги витамин С нинг миқдори жиҳатидан ёнғоқ ҳаттоки қарағатни ҳам ортда қолдиради. Организмнинг витамин Сга бўлган эхтиёжини атиги беш дона ёнғоқ истеъмол қилиш йўли билан тўлиқ қондириши мумкин. Ёнғоқни доимий равишда истеъмол қилиш организмнинг иммунитетини кўтариб, турли юқумли, онкологик, юрак касалликлари комидан асрайди.

Ёнғоқ мағизи калий ва фосфор микроэлементига бойдир. Шу сабабдан ҳам юрак ва тана мушакларининг кучини оширади. Унинг бу хусусиятидан юрак етишмовчилиги ва мушаклар озиқланишининг бузилиши билан кечадиган касалликларни даволаш комплексида доимий равишда фойдаланиш тавсия этилади. Ичак мушаклар кучининг ошиши эса улар перистальтикасини кучайтириб, қабзиятни йўқотади. Йўғон ичак деворларидаги мушакларнинг кучини ошиши уни деформацияга учрашдан асрайди. Агар, профессор Уокернинг "кишиларнинг қанчалик узоқ умр кўришлари уларнинг йўғон ичагидаги деформация (кенгайиш) даражасига боғлиқ" деган фикрини инобатга олинса ёнғоқ таркибидаги калий ва фосфор таъсирида йўғон ичак деворларидаги мушакларнинг тонусини ошиши қанчалик даражада аҳамиятга молик эканлигини тушуниш қийин эмас. Ёнғоқ таркибидаги калий ва фосфор мушакларни қисқариш кучини оширганлиги сабабли, оғир жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланадиган кишиларга 3-4 та ёнғоқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Жисмоний чарчашдан кейин ҳам 3-4 та ёнғоқ истеъмол қилиш чарчоқни қолдириб, асабни тинчлантиради. Ёнғоқ кишиларнинг жисмоний кучини оширганлиги сабабли уни паҳлавонлар меваси деб аташган.

Ёнғоқ мағизи йод микроэлементига ҳам бойдир. Маълумки, йод микроэлементи қалқонсимон без фаолиятини кучайтириб, бутун организм аъзо ва тўқималаридаги моддалар алмашинуви жараёнларини кучайтиради. Киши организмида кечадиган барча касалликлар бу моддалар алмашинувининг пасайиши туфайли эканлигини ва кишиларнинг кўпчилигида яширин йод етишмовчилиги мавжудлигини эътиборга олинса, ёнғоқ истеъмол қилиш қай даражада фойдали эканлигини тушуниш қийин эмас.

Йод микроэлементининг миқдори айниқса ҳали пишиб улгурмаган ёнғоқ мевасининг пўчоғида кўпдир. Шу сабабдан ҳам ҳали тоза пишиб улгурмаган ёнғоқ мевасининг спиртдаги эритмасидан "мангу ёшлик" элексири сифатида қадимдан фойдаланиб келинган. Чунки ёнғоқ қариш жараёнининг бирламчи асосий сабабчиси бўлган атеросклерознинг олдини олувчи энг самарали воситадир. Йод микроэлементи қон томир деворига ўтириб улгурган холестеринга сўрувчи таъсир кўрсатиб, томирлар каналини тиклаш йўли билан қариш жараёнини секинлаштиради.

Хом ёнғоқнинг устки пўчоғидан тайёрланган спиртли эритма тери касалликлари хуснбузар, экзема, йирингли тошмалар ва дерматитларни даволашда ишлатилади. Қуритилган ёнғоқ баргидан тайёрланган тиндирма гижжа ҳайдаш хусусиятига эгадир. **Бир ош қошиқ куритилган ёнғоқ барги талқони, бир стакан қайнаган сувга солиниб ўраб қўйилади.** Икки соатдан кейин тиндирма тайёр бўлади ва 1 чой қошиқдан уч маҳал гижжаси бор беморларга ичирилади.



Ёнғоқ майиз билан қўшилганда бир-бирига ўзгача таъм беради, бу барчага ёқади. Бундай мутаносиб аралашма фақатгина мазали таъмга эга бўлибгина қолмасдан балки шифобахш хусусияти билан ҳам бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Ёнғоқ ва майиз аралашмасини доимий равишда истеъмол қилиш бирламчи сабабчиси атеросклероз бўлган хасталикларни ривожланишини олдини олса, ривожланиб улгурганларини эса тузалишини тезлатади. Ёнғоқ-майиз аралашмаси айниқса юрак фаолияти пасайиши, қабзият туфайли келиб чиқадиган ва мушаклар кучини пасайиши билан кечадиган касалликларни даволашда ва олдини олишда беназир дори маҳсулот ҳисобланади. Маълумки, анъанавий тиббиётда юқорида қайд қилинган касалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонларнинг фойда бериш даражаси унчалик юқори эмас ва уларни узоқ истеъмол қилиб бўлмайди. Ёнғоқ-майиз аралашмасини эса қанчалик кўп ва узоқ вақт истеъмол қилиш ҳам ҳеч қандай кўнгилсизликларни келтириб чиқармайди, аксинча организмнинг аъзо ва тўқималарини ёшаришини таъминлайди. Ёнғоқ-майиз аралашмасининг асаб тизимига кўрсатадиган тинчлантирувчи таъсири бугунги руҳий зўриқишлар кучайган кунда жуда муҳим аҳамият касб этади.

**Стрессдан асраниш учун ёнғоқ-майиз аралашмасини гўшт майдалагичдан ўтказиб асалга аралаштириб кунига 1 ош қошиқдан истеъмол қилиб юриш тавсия этилади.** Ёнғоқ баргидан тайёрланган дамлама мия ва юрак томирлари склерози, туберкулёзни, болалардаги рахит хасталигини даволашда ва қондаги қанд миқдорини камайтириш учун ишлатилади.

Бу дамламадан яраларни, йирингли тошмаларни даволашда ҳам фойдаланиш мумкин. Ёнғоқ баргидан тайёрланган қайнатмадан илмий тиббиётнинг асосчиси Ибн-Сино ўз фаолиятида жуда кўп фойдаланган.

✔ **Сийғоқликни** (энурез) даволаш учун ёнғоқ мағизини чўғда пишириб талқон қилиб янчилади-да, ҳар куни кечқурун ётишдан олдин сувга қўшиб ичилади.

✔ **Сут безлари шишида** ёнғоқ, олтингугурт ва асални 1:1:1 миқдорида аралаштириб боғлама қилинса шишни қайтаради.

✔ Ёнғоқнинг чўғда куйдирилган пўстини кулдек туйиб **эски яраларга** қўйилса тез тузатади.

✔ Майиз, туршак, қора олхўри ва ёнғоқ мағизи тенг миқдорда олиниб майдалангач, 1 кило аралашмага 1 дона лимон (пўсти билан) ва 300 грамм асал қўшилади. Бу шифоли аралашмадан ҳар куни эрталаб оч қоринга 1 ош қошиқдан ейилса **ҳар қандай юрак хасталикларини даволайди**.

✔ **Гипертонияда:** 100 грамм ёнғоқ мағизи майдаланиб 0,5 грамм асал билан аралаштирилади. Кунига 3 маҳал 1/2 ош қошиқдан ейилади.

✔ Ёнғоқ **ҳомиладор ва ёш болалар учун** жуда фойдали. Таркибида микроэлементлари бўлгани учун ҳомила ва ёш болалар ривожланишига яхши ёрдам беради.

✔ **Камқонлик ва тинка қуриганда** мана бу аралашмадан кўпроқ ейиш тавсия этилади: 300 грамм ёнғоқ мағизи, 100 грамм саримсоқпиёз, 50 грамм туйилган укроп ва 1 кило асал қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. 3 кун сақлаб, ҳар куни 3 маҳал, 1 ош қошиқдан овқатдан сўнг ейилади.

**Раҳматилло БЕКТОШЕВ, олий тоифали шифокор**




**684** **Ёшим 51 да.** Ажрашганман. Асли Тошкентликман. Жиддий, зарарли одатлардан холи бўлган эркакман. Ёлғиз яшайман. Топиш-тутишим ўзимга етади. Уй-жойим бор. 35-40 ёшлардаги бефарзанд, оилавий турмушимизда менга ҳамдард бўла оладиган, тошкентлик, ораста бир аёл билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Баҳодир**

**685** **47 ёшдаман.** Миллатим қозоқ. Хотиним билан кўп йиллар аввал ажрашиб кетганмиз. Тошкент шаҳрида, ўзимнинг уйимда яшайман. Маълумотим олий, САМПИни тугатганман. Ҳозир ўз соҳамда ишламасам ҳам топганим бир оилани моддий томондан таъминлашга бемалол етади. 30-40 ёшгача бўлган, тошкентлик, (бир кичик боласи бўлса майли), камтар, оқила ва ораста аёлга уйланиб бахтли бир оила қурсам, дейман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Жаныбек**

**686** **Ёшим 42 да.** Турмуш ўртоғимнинг хиёнатини кечира олмаганим учун ажрашганман. Маълумотим олий. Ишлайман. Икки фарзандим бор. 50-55 ёшгача бўлган, ичмайдиган, чекмайдиган, софдил, ўз уйи бор, меҳрибон бир инсон билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулнорабону**

**687** **Ёшим 65 да.** Аёлим қазо қилгач, ёлғиз қолдим. Фарзандларимнинг ҳаммаси уйланиб, уй-жойли бўлиб кетишган. Моддий томондан мени таъминлаб туришади. Ҳовли-жойим етарли. Бир келиним ва ўғлим билан бирга яшайман. 60 ёшгача бўлган, сипо, меҳрли, оқила аёл бўлса уйланардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Солиҳ ота**

**688** **Ёшим 30 да.** Асли тошкентликмиз. Турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. Ишлайман. Кўринишим кўркам, ақлу идрокли қизман. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, уй-жойли, оқибатли йигитга турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Василахон**

**689** **33 ёшдаман.** Ажрашганман. Асли Қашқадарё вилоятиданман. Ишлайман. Уй-рўзғор ишларини бажаришни, уйдаги шинамликни ёқтирадиган, ораста аёлман. 42 ёшгача бўлган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), иш жойи тайин бўлган, ўзининг уй-жойи бор, оилани қадрлайдиган, ғамхўр ва диёнатли бир эркак билан оила қуришни орзу қиламан.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилнавоз**

**690** **Ёшим 50 да.** Асли тошкентликман. Уч ўғлим улғайиб,келин оладиган пайт келганда аёлим тўсатдан вафот этди. Ҳозир ҳам ота, ҳам она бўлиб яшаяпман. Лекин оилада аёл киши бўлмаса ҳаммаёқ пароканда бўлиб кетаркан. Шу боис уйланишга қарор қилдим. Ўғилларим ҳам бунга рози бўлишди. Мунис бир аёл овоз берса, уйланиб,оила қурардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдунаби**

**691** **Ёшим 27 да.** Тақдиримда бор экан, умид билан қурган оилам бузилди. Лекин фарзандим йўқ. Асли Жиззах вилоятиданман. Ишлайман. Ораста, пазанда ва жиддий аёлман. 40-45 ёшгача бўлган, (қаердан бўлса ҳам майли), ишлайдиган, оилани таъминлай оладиган, меҳрибон эркак билан оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилрабо**

**692** Асли Самарқанд вилоятиданман. **Ёшим 27 да.** Уйланмаганман. Болалар уйида ўсганман. Лекин ҳаётда ўз ўрнимни топиб олганман. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бошимдан кечирганман. Жиддий ва мард йигитман. Уй-жойим йўқ. Ўзимга ўхшаган, қийналган, оқила,меҳрибон, уйим-жойим дейдиган қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Иномжон**

**693** Асли қўқонликман. **Ёшим 30 да.** Ажрашганман. Иккита фарзандим бор. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Саранжом-сариштa, тўғрисўз, пазандаликни ўрнига қўя оладиган аёлман. Замонавий ва гўзал аёлман. Инглиз тилини яхши биламан. Тошкентлик, ўзининг уй-жойи бўлган, жиддий, меҳрибон, моддий томондан оиласини таъминлай оладиган, 48 ёшгача бўлган кўркам ва келишган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Муҳайё**

**694** **Ёшим 64 да.** Асли тошкентликман. Ҳозир Қибрайда яшайман. Аёлим вафот этган. Моддий томондан таъминланганман. 55 ёшгача бўлган, ёлғиз ёки фарзандлари ташвишидан қутулган аёл бўлса, уйланиб, бирга умргузаронлик қилган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нурилла**

### «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.***

# АФСУСДАН ФОЙДА ЙЎҚ!

**695** - Исмим Муаттар. Хоразм вилоятиданман. **Ёшим 30 да.** Институтни тугатганимдан сўнг ота-онамнинг раъйига қарамасдан ишга кирдим. Менга ўз касбим, яъни, шифокорлик жуда ёқарди. Лекин онам кунда кўз ёши қилиб, турмушга чиқишим кераклигини таъкидларди. Бир йигитдан ҳар куни совчилар келиб, ота-онамни ҳолижонига қўймасди. У йигит эса кунда ишхонам дарвозаси ёнида, "Ластетти"сида мени кутиб ўтирарди. Унга бир гал яхшилаб разм солдим, келишган, баланд бўйли йигит экан. Юрагим "жиз"этгандек бўлди.

**- Ўша йигитга тегишга рози бўлдингизми?**

- Хуллас,бир ойнинг ичида тўйим ҳам бўлди. Бир ойдан кейин туш пайтида эримнинг мазаси қочиб қолди. У ғужанак бўлиб қолганди... Мен шифокор бўлганим учун унга ёрдам беришга шошилдим. Томирини ушлаб кўрмоқчи бўлганимда қайнотам мени четга суриб, эримни ўзининг хонасига олиб кириб кетди. Орадан кўп ўтмай эрим ҳеч нарса бўлмагандек чиқиб келди.

**- Унга нима қилган экан?**

- Унинг гиёҳванд эканлигини билиб қолдим. Буни қайнотам ҳам, қайнонам ҳам билишган. Тўйни ҳам шу боис тезлаштиришган бўлса керак. Кечқурун эримдан бу ҳақда сўрашим билан бақириб, жанжал қила бошлади. Шовқинни эшитган ота-онаси кириб келишди. Эримни деярли судраб хонамиздан олиб чиқиб кетишди. Қайнотам келиб, менга ҳақиқатни айтгач, йиғлаб юбордим. "Шифокор қизга уйлантирсак, хотинининг ёрдами билан бу касофатдан воз кечармикан, деб ўйлагандик-да. Йўқ, биз ўйлагандек бўлиб чиқмади. Кечир қизим. Ота-онанг ва сенинг олдингда гуноҳкормиз", -деди.

Энди ҳаётимни қайтадан қуришим керак. Ёшим ҳам ўтиб бораяпти, вақтим ҳам кетиб бораяпти. 40 ёшгача бўлган, Тошкентлик бир йигит билан танишиб оила қуриш ниятидаман.

* * *

**696** - Вилоятлардан биридан келганман. Ажрашганман. Маълумотим олий. Тақдир экан, кичик ёшли ўғлим билан ёлғиз яшаяпман. Аслида, оилани жуда қадрлайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган аёлман. Лекин бир томоннинг ҳаракати билан оилани сақлаб бўлмас экан,- дея гап бошлади Ноила исмли, кўркамгина жувон.

**- Оила эрингиз сабабли бузилдими?**

- Афсуски шундай бўлди. Мен ораста ва пазанда аёлман. Рўзғор тутишда, тежамкорликда менга тенг келадигани йўқ эди. Нуфузли ташкилотда ишлашимдан ташқари чеварлик ҳам қиламан.Турли бежирим буюмлар тўқишга устаман. Уйим қишда ҳам гулзорга ўхшайди. Гулларим яшнаб, кичик бўлса-да хонадонимга кўрк ва шинамлик бағишлаб туради. Лекин эримнинг мендан кўнгли сира тўлмади.

**- Нима учун, сабаби борми?**

- Қани эди билсам? Турли хил баҳоналар билан кунда ҳаётимни ғурбатга айлантирарди. Ўғлимни силтаб ташларди. Ҳатто болам эримни кўрса чўчийдиган, салга йиғлаб юборадиган бўлди. Охири ажрашиб кетдик. Ўғлим ҳали ёш. Отасини ҳам унча танимайди. Яна турмуш қуришдан мақсадим... Ўғлим ота меҳридан бенасиб бўлмасин, дейман... 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, меҳрибон бир эркак бўлса, турмуш қурган бўлардим.

* * *

**697** - **Ёшим 48 да.** Исмим Дилмурод. Тошкент шаҳрида яшайман. Аёлим Доғистонлик эди. Бизнинг юртга кўника олмади. Иккита боламни олиб кетиб қолди. Ўн йилдан буён ёлғиз яшайман. Тўғри, қариндош-уруғларим, дўстларим жуда кўп. Бордикелди қилиб турамиз. Лекин ҳеч нарса ўз оилангнинг ўрнини боса олмас экан.

**- Шунча йил ўтибди, нега илгари оила қуриш ҳақида ўйламадингиз?**

- Ўйладим. Аммо иккита мунчоқдек ўғилларим кўз олдимдан кетмасди. Уларни соғинаверардим. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмасди. Анча вақт ишламадим. Ким учун ҳам ишлардим? Оиламдан айрилган бўлсам? Ўзимни қўлга олиш қийин кечди. Бу орада ота-онам ҳам оламдан ўтиб кетишди. Акам келиб мени қаттиқ койиб кетгач, ўзимни қўлга олдим. Ишга кирдим. Пул тўплаб ўзимга уй ҳам олдим. Ҳозир яхши жойда ишлаяпман. Топишим ёмон эмас.

**- Энди эса оила қурмоқчисиз, шундайми?**

- Ҳа, шунча йил топганимни совуриб юрдим. Кеч бўлса-да, оила, бола-чақа бўлса яшашга қизиқиш ҳам пайдо бўлади. Дўстларимнинг уйига борсам ҳавас қиламан. 35 ёшгача, бир кичик боласи бўлган тошкентлик аёл билан ширингина оила қуриб, бахтли яшасам, дегандим...

* * *

**Азизлар! Барбод бўлган бахтингизга қанчалик ачинманг, қайта энди тикланмайди. Афсусдан фойда йўқ! Сочларингизга қиров қўниб, кўнглингиз ҳасратга тўлмасидан олдинроқ оила қуришга, бир жуфти ҳалол топишга интилинг.**

**Биз юқорида суҳбатлашган инсонларнинг манзилини таҳририятдан олишингиз мумкин.**

**БАСИРА**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 19:00.
Босишга топширилди - 20:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 234-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 33. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13113

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 7 8